Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 31 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 8 (6705)

*Даъват*

*Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан.*

**Ҳадис.**

*Ибрат*

ҲАЙКАЛЛАР — ХОТИРАНИ САЙҚАЛЛАР

*Шаҳрисабз ва Самарқандда шавкатли бобокалонимиз — соҳибқирон Амир Темур ҳайкаллари ўрнатиладиган бўлди. Танлов асосида ҳайкалтарошлар Илҳом ва Камол Жабборовлар ҳамда меъмор Ботир Усмонов асарлари бўлажак ёдгорлик учун лойиқ топилди.*

*Энди Шаҳрисабзнинг Оқсарой мажмуи ва темурий пойтахт — Самарқанддаги ҳайкаллар буюк тарихимиз машъали бўлиб туради.*

*Ўзбекистон — Ватаним маним*

## ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

*Республика Вазирлар Маҳкамасида 27 январь куни Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.*

Мажлисда мамлакатимиз истиқлолига бағишланган ана шу муҳим тадбирга тайёргарликнинг бориши атрофлича кўриб чиқилди. Бу ўзига хос санъат кўригини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан ўтказиш лозимлиги, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, биринчи босқич тадбирлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилгани таъкидланди.

Бироқ, айрим вилоятларда мазкур тадбирнинг моҳиятига етарлича эътибор берилмаяпти. Мажлисда жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилот раҳбарларининг кўрик-танловга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, йиғилишда Наврўз байрамини юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қандай бораётгани хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов қатнашди.

**(ЎзА)**



*Андижон вилояти Асака туманидаги 11-гимназия-интернатнинг она тили ва адабиёт ҳамда одобнома фани муаллими Абдураҳим Мирзааҳмедов «Йил ўқитувчиси-95» кўрик-танловида совринли ўринлардан бирини эгаллади. У бунга ўз касбига фидойилиги ҳамда санъаткорликка ихлоси баландлиги боисидан эришди.*

*— Бўш пайтларимда сценарий ёзиб, спектакль саҳналаштираман, — дейди у. — Шеър ёзаман, қўшиқ ҳам айтаман. Кези келса, рақсгаям тушавераман. Хуллас, таълим ва санъатни уйғунлаштириб дарс ўтаман. Бу услуб натижалари кутилганидан ҳам яхши самара бераяпти...*

*СУРАТДА: «Йил ўқитувчиси-95» вилоят кўрик-танлови ғолиби А. Мирзааҳмедов галдаги машғулотини мунозара услуби билан олиб бораяпти.*

**А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида*

## АМАЛИЙ ИШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Футбол — мамлакатимизда азал-азалдан болалар ва ўсмирларнинг энг севимли ўйини, жисмоний чиниқиш омилларидан бири.

Футбол — халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакат шон-шуҳратини жаҳонга танитиш воситаси. У ўзида ёшларнинг ватанпарварлик туйғуларини, соғломлик ва мардликни, ирода ва спорт маҳоратини мужассамлаштиргани туфайли унинг тарбиявий аҳамияти ҳам каттадир. Шу боис бу ўйин йил сайин оммавийлик касб этиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан сўнг, ўзбек футболига эътибор кучайди. Осиё чемпиони бўлган Ўзбекистон футболчиларининг донғи жаҳонга ёйилмоқда. Ўзбек футболини ривожлантиришнинг оммавий-тарбиявий ва халқаро аҳамиятини инобатга олиб Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида республика ҳукумати уни янада тараққий эттириш йўлларини белгилаб берди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги янги қарори ана шу катта эътиборнинг далилидир. Қарорда Халқ таълими вазирлиги зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган.

Маълумки, 1993 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Халқ таълими вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимларида болалар ва ўқувчилар ўртасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус буйруқ қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиш аҳволи қандай? Республика ҳукуматининг футболни ривожлантириш ҳақидаги дастурииламал янги қарори муносабати билан бажариладиган кенг кўламли асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўтган жума куни Халқ таълими вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида таҳлилий муҳокама этилган асосий масалалардан бири болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида футболни ривожлантириш ишларининг аҳволи ҳамда таълим тизимида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги 144-сонли қарорининг бажарилиши ва 1996 йил 17 январдаги 27-сонли янги қароридан келиб чиқадиган вазифалар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев раислигида ўтган Ҳайъат йиғилишида кун тартибидаги биринчи масала бўйича халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳ. Маъсудов таҳлилий маъруза қилди. Жойлардаги футболни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика давлат жисмоний тарбия спорт қўмитасининг раиси Б. Мақсудов, вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари С. Баҳронова (Бухоро), Р. Мусурмонов (Қашқадарё), Ж. Халилов (Андижон), Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Х. Чориев ахборот бердилар.

Ҳайъат йиғилиши ўтган уч йил давомида халқ таълими тизимида футболни ривожлантириш бўйича муайян ишлар қилинганлигини таъкидлади. Чунончи, футбол билан шуғулланадиган ёшлар сони 154 мингдан 208 минг кишига кўпайди. Республикада ҳозир болалар ва ўсмирларнинг 46 та футболга ихтисослаштирилган спорт мактаби, 167 та футбол бўлимлари мавжуд. Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Андижонда махсус футбол интернатлари вужудга

**(Давоми 2-бетда)**

## СЕНГА ОМАД, ИЖОДКОР ТАЛАБА!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси билан биргаликда талаба-ўқувчилар орасида энг яхши шеър, публицистик мақола ва тасвирий санъат асарлари республика танловини ўтказиш тўғрисида қўшма буйруқ қабул қилди. «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шоншарафим» мавзуида ўтказиладиган бу тадбир Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланади.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад талаба ўқувчилар ва истеъдодли ижодкор ёшларнинг Ватан ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини янада ўстириш, ўз эл-юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш, уларнинг маданий-тарихий, миллий, маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашдир.

«Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» мавзуидаги кўрик-танлов икки босқичда ўтказилади: биринчи босқич Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шу йил январдан май ойи охиригача ўтказилиб, унинг ғолиблари ишлари Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги гуманитар таълим ва тарбиявий ишлар бош бошқармаси ҳамда Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси адабиёт ва санъат бўлимига 1996 йил 15 июнигача тақдим қилинади. Биринчи босқичдаги барча йўналишдаги кўрик-танловлар шу йил май ойида жойларда якунланади.

Кўрикни ташкилий ўтказиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди, кўрикни ўтказиш низоми ишлаб чиқилди.

Энг яхши шеър, публицистик мақолаларни талабалар ўзлари ўқиб ўрганаётган инглиз, немис, араб тилларида ҳам ёзишлари мумкин.

«Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» мавзуси бўйича энг яхши шеър, публицистик мақола ва тасвирий санъат асарларининг ҳар бир йўналишида республика танлови ғолиби деб топилган битта иш 10 минг сўм миқдорида битта мукофот ва Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси мукофоти лауреати нишони билан тақдирланади.

Бошқа ўринларни эгаллаган энг яхши ишлар ҳам турли мукофотлар билан тақдирланадилар. Жумладан, мавзу бўйича энг яхши ижодий ишлар учун уларнинг муаллифларини хорижий мамлакатларнинг ўқув юртларига юбориб ўқитиш, қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлаш, Вазирлик ва Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган махсус диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаш ҳам кўзда тутилган.

Кўрик-танловда сенга омад ёр бўлсин, ижодкор талаба!

## ЮРТИМИЗНИНГ ЯПОНИЯЛИК КАШШОФИ

Токиодаги Сока университетининг профессори Кюдзо Като ўз тақдирини Ўзбекистон билан маҳкам боғлаган. Дастлаб, мамлакатимиз жанубида, хусусан, Далварзинтепада олиб борилаётган археологик тадқиқот ишларида фаол қатнашган олим, бугунги кунда Японияда халқимиз тарихи, ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи қатор китобларни нашр эттиришга бош-қош бўлмоқда. «Жанубий Ўзбекистон қадимияти», «Шимолий Ўрта Осиё тарихи ва маданияти», «Ўрта Осиёнинг буюк сиймолари» кабилар шулар жумласидандир.

Хуллас, профессор Като Япония учун Ўзбекистонни тарихий мустақил давлат сифатида кашф қилмоқда.

*Баҳс*

## ФАЛСАФА: ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЯНГИЛАНАДИ?

***Фалсафа нима? Уни қандай ўрганиш мумкин? Фалсафанинг асл вазифаси нималардан иборат? Бугунги кунда бу нозик илмни ўқиш, ўқитиш юмушлари юзасидан муаммолар борми? Агар мавжуд бўлса, уларни қай йўсинда бартараф этиш керак?***

***Биз ўзимизни қизиқтирган шундай саволларга қониқарли жавоб топиш учун мамлакатимизнинг таниқли файласуф олимларидан бир нечасини давра суҳбатига чорладик. Бугунги гурунгимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Саид Шермуҳаммедов, фалсафа фанлари докторлари, профессорлар Малик Орипов ва Иномжон Раҳимов қатнашишди.***

**Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ:** Фалсафа табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонунлари ҳақидаги фан. Назаримда, фалсафанинг бундан бошқа таърифи бўлиши мумкин эмас. Баъзилар бу эски марксча-ленинча талқин, деб юз ўгиришаяпти. Йўқ, масалага бундай бир ёқлама, шошма-шошарлик билан ёндашиб бўлмайди. Маркс ёки Ленин қандай фикр юритганлигидан қатъи назар, мабода биз фалсафанинг ўрганиш предметига, моҳиятига диққат этсак, юқоридаги таъриф ҳақиқатга яқин эканлигига амин бўламиз.

**Малик ОРИПОВ:** Фалсафани том маънода фан деб бўлмайди. Чунки у фактларни ўрганмайди, балки аниқ фанларга таянган ҳолда табиат, жамият ҳақида мушоҳада юритади, холос. Фалсафа инсон ақлий ва маънавий ривожланишининг табиий маҳсули сифатида юзага чиқади.

**Иномжон РАҲИМОВ:** Фалсафанинг фан ё фан эмаслиги ҳақида тортишиш ноўрин. Чунки бу масалада дунёдаги энг тараққий этган, илму маърифат кучайган юртларда ҳам бир қарорга келинган эмас. Масалан, позитивизм оқимидаги файласуфлар фалсафага «фан» деб таъриф беришса, поспозитивизм йўналишидаги олимлар уларга қаршилик кўрсатишмоқда. Шунинг учун ҳам деярли барча чет давлатларда «фалсафа фанлари доктори» деган илмий даража эмас, «фалсафа доктори» деган атама қўлланилади. Бироқ, энг қизиғи шундаки, улардаги фикрлар қарама-қаршилиги ҳеч қачон илмнинг ривожига салбий таъсир кўрсатгани йўқ. Аксинча, чет мамлакатларда, хусусан, Ғарб давлатларида фалсафа нечоғлик юксалганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Малик ОРИПОВ:** Домланинг сўнгги сўзларида жон бор. Дарҳақиқат, фикрлар ранг-баранглиги ва қарама-қаршилиги фалсафа илмининг ривожидаги муҳим омилдир. Очиғини тан олиш керак, бизга бугунги қизғин ўзгаришлар даврида фалсафа илмини юксалтириш учун айнан ўша омиллар етишмайди. Ҳурматли юртбошимиз Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида худди шу оғриқли масалага бежиз тўхтаб ўтмади. Чиндан ҳам эски тузум даврида шаклланиб қолган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқиш-ўқитиш ишлари жиддий ислоҳотлар кутиб турибди.

**Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ:** Ҳа, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг танбеҳлари аччиқ ҳақиқат эди. Бу масалада зудлик билан чора-тадбирлар қўришимиз зарур. Бироқ, илм, барибир, эҳтиёткорликни, зиёлиларга хос назокатни талаб этади. Яқин ўтмишимизда бир неча бор такрорлангандек, салла ўрнига калла келтириб қўйишимиздан, илму фанни, жамиятни тағин боши берк кўчага киритиб қўйишдан хушёр бўлмоғимиз лозим.

**Иномжон РАҲИМОВ:** Тўғри айтасиз, домла. Биз эҳтиёткорлик билан эски андозалардан, эски қолиплардан воз кечишимиз керак. Менимча, бу масалани ҳал этиш учун, аввало, бизга одат бўлиб қолган «оқ», «қора»га ажратиш, «мутлоқ яхши ёки мутлоқ ёмон» деган ноилмий таърифлардан қутилишимиз зарур. Ғарбу Шарқда биз ўрганишимиз мумкин бўлган тажрибалар бир дунё. Уларга яқинлашишга бугун фурсат етди! Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган, фалсафа бўйича ёзилган дарсликлар, қўлланмаларга XX аср Ғарб фалсафасининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам материаллар киритиш зарур. Масалан, экзистенциализм, фрейдизм, синергетика каби фалсафий оқимлар, таълимотлар барча учун қизиқарли деб ўйлайман. Шу пайтгача улардан «мафкураси бузуқ» деган баҳона остида

**(Давоми 3-бетда)**

*Бизга жавоб берадилар*

## «ЭСКИДАН ЯНГИГА»

### («Маърифат», 1995 йил 6 декабрь)

Денов туманидаги 36-ўрта мактаб биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчиси Худойқул Раҳимовнинг юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақоласида 9—10-синф инглиз тили дарслигининг ҳозирги замон талабларига мос келмаётганлиги ҳақида мулоҳаза билдирилган эди.

Мақола юзасидан республика Таълим илмий-методика Маркази директори муовини Тўлаган Домаев имзоси билан қуйидагича жавоб олдик:

«Мақоладаги мулоҳазалар ўринли. 1994 йил 17 январда Англиянинг Британия Кенгаши билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ўртасида инглиз тилини ўқитиш бўйича ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликларни яратиш тўғрисида битим тузилди. Унда ўрта мактабларнинг 5—11-синф ўқувчилари учун 3 жилддан иборат янги типдаги «Инглиз тили» дарсликларининг яратилиши қайд этилган эди. Мазкур дарсликларни яратишни ўз зиммасига олган муаллифлар Англияга икки марта бориб келишди. Аммо номаълум сабабларга кўра ҳанузгача биронта ҳам янги инглиз тили дарслиги яратилмади.

Бундан ташқари, республика Таълим илмий-методика Маркази ҳам бу масалани ижобий ҳал қилиш учун инглиз, немис, француз ва испан тилларидан дарслик ёзувчи муаллифлар гуруҳини тузди. Бу гуруҳ томонидан юқори синф ўқувчиларига мўлжаллаб ёзиладиган дарсликларда олимпиада ва ўқув юртларига киришда талаб қилинадиган тест материаллари қамраб олинади.

1996 йилнинг биринчи кварталида республика миқёсида «Дарслик қандай ёзилади?» мавзусида семинар ўтказиш режалаштирилди.

Диёримизга мос мавзулар, шу жумладан республикамизнинг байроғи, мадҳияси, тамғаси, уларнинг тавсифлари, дўстлик алоқалари, халқимизнинг урф-одатлари ва 5—11-синфларда ўтилиши лозим бўлган материалларни ўз ичига олган календарь-тематик режа республика Таълим илмий-методик Маркази томонидан ишлаб чиқилди. Режа шу кунларда нашрга тайёрланмоқда».

## ТАНЛОВ НИМАНИ КЎРСАТДИ...

*Хулоса*

***Истеъдодлар кўпинча танловда кашф қилинади. Танловлар эса хилма-хил ва улар турли жойларда ўтказилиши мумкин. Ёрқин истеъдодга эга ижодкорлар «ярқ» этиб кўзга ташланади. 1995 йилнинг ноябрь ойида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси — 95» кўрик-танлови ана шундай тадбирлардан бўлди.***

***Кўрик-танлов қандай хулосалар берди? Қатнашчиларнинг ўз ҳамкасбларидан ажралиб турувчи қандай фазилатлари кўзга ташланди? Кўрик-танлов иштирокчилари бу тадбирдан нималар олишди?***

***Республика Халқ таълими вазирлиги мактаблар бош бошқармасининг бошлиғи Гуландом Яҳёевна Олимова мухбиримизга шулар хусусида сўзлаб берди.***

— Кейинги пайтларда бундай танловларнинг ўтиши анъана бўлиб қолди. Бу илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганишга, кенг ёйишга замин яратади. Қўқонга ташриф буюрган ўқитувчиларнинг қобилияти ва маҳоратини кўрсатган жараён, албатта, уларнинг дарсларидир. Бу дарсларнинг ҳар бири кашфиёт. Ўқитувчи маҳорати, ўқувчилар билан тиллаша олиши, услубий топилмалари... Ҳайъат аъзоларини ҳайратга солди. Ҳақиқий ижодкор ўқитувчиларнинг дарслари бир-биридан чиройли эди. Ҳаммасиям биринчи ўринга даъвогар. Биласизми, гап ўринда эмас, аслида. 45 минутлик дарсда вақтнинг оқилона тақсимланиши ва маҳоратнинг кўринишида. Хоразмлик ўқитувчи Г. Ибодуллаева, андижонлик А. Мирзааҳмедов, Фарғонадан М. Раҳимовлар биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаб, олқишларга сазовор бўлишди.

Танловнинг сўнгги кунида Ҳамза театри биносида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида театрлаштирилган томошалар ўтказилди. Ўқитувчининг билими ва маҳорати, нотиқлиги ва дунёқарашини намойиш этадиган педагогик ҳолат эди бу. Қашқадарёдан Г. Шукурова, Қорақалпоғистондан Ю. Мирошченко, Бухородан З. Бурҳоноваларнинг чиқишлари қизғин таассурот қолдирди. Иштирокчиларнинг Ватанга бағишланган сўзи нақадар чуқурлиги ёки теранлиги билан томошабинларга завқ улашди. Шу билан бирга якунловчи кун иштирокчилар учун ҳам, ҳайъат аъзолари учун ҳам энг мураккаб кун бўлди.

Очиғи, ҳайъат аъзолари якунловчи кунга байрам руҳи бериш, иштирокчилар руҳини кўчириш мақсадида олдиндан тайёрлаб келинган шартларни якдиллик билан юқори баҳоладилар. Буни тушуниш мумкин. Негаки, танловда асосий нарса — иштирокчи ўтказган дарсдир.

**— Келинг, бўлмаса, дарсларга тўхталайлик. Мана, орадан бирмунча вақт ҳам ўтди. Уларни қандай баҳолайсиз?**

— Танлов иштирокчиларининг дарслари видеокамерага туширилган эди. Уларни қайтадан кўриб чиқиш кишига шундай хулоса берадики, ҳар бир дарснинг марказида ўқитувчи турибди. Ва уларда педагогнинг куюнчаклиги, фаоллигини дарҳол илғайсиз. Лекин биз ўқитувчининг маҳорати ҳақида гапирганимизда, унинг болаларга бор билимини қандай етказа олишини ва шу дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини назарда тутамиз.

**(Давоми 2-бетда)**

## МММ ХАБАРЛАРИ

### КУЙЛАНАР ВАТАН МАДҲИ

Республика Таълим илмий-методика Марказида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатни Марказ директори ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматов олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ шоири Пулат Мумин, мусиқанавислар — Надим Норхўжаев, Ҳабиб Раҳимов, Аваз Мансуров, Марказ ходимлари — Г. Сафаева, Д. Каримова, И. Латиповлар ҳам қатнашиб, болаларга аталган қўшиқлар ҳақида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ташаббуси ва фаол иштирокида 60 га яқин қўшиқлардан 20 таси тезкорлик билан нашр қилинишга тавсия этилди. Булар орасида Пўлат Мўмин, Сафар Барноев, Рауф Толибов, Файзи Шоҳисмоил, Маҳкам Раҳмоновларнинг шеърлари бор. Уларда Ватан мадҳ этилади, дўстлик туйғулари куйланади.

### ҲОМИЙЛИККА ОЛДИ

Қўрғонтепа туманидаги А. Хўжа номли кичик корхона 8-лицейни ўз ҳомийлигига олди. Гимназиянинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий рағбатлантириш ҳамда моддий техника базасини ривожлантириш учун йилнинг ҳар чорагида 312 минг сўмлик пул маблағини ўтказиб бермоқда. Янги ўқув йили бошланишида ушбу кичик корхона ўқувчилар учун янги 120 ўринли ошхонани тўла жиҳози билан ишга тушириб берди. Бу ишларни намунали олиб боришда кичик корхона раҳбари Ҳафизахон Исмоилованинг хизматлари беқиёс бўлди.

### ЎҚИТУВЧИЛАР МАКТАБИ

Фарғона шаҳрида ёш мураббийлар мактаби уч йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётир. Мактаб ёш ўқитувчиларнинг малакаларини муайян дастур асосида ошириш ва шу орқали бошланғич синф ўқувчиларига билим беришни такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг режасида тажрибаларни оммалаштириш, ўқитишнинг янги, самарали услубларини амалиётга жорий этишга кенг ўрин берилган.

Мактабнинг навбатдаги учинчи машғулоти вилоят миқёсида анжуман тарзида ўтказилди. Унда кўпгина бошланғич таълим усталари, олимлар қатнашдилар. Машғулотнинг бошланишида дарслар кузатилди, намунали жиҳозланган синф хоналари кўздан кечирилди. Назарий қисмида эса ўқитувчиларнинг иш тажрибалари таҳлил этилди, маърузалар тингланди. Шу куни Фарғона шаҳри мактаб ва лицейлари томонидан ташкил этилган техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллар танлови ҳам ўтказилди.

# АМАЛИЙ ИШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда)

келтирилди. 54 та умумий таълим муассасасида футбол чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар ташкил этилди. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун таркибида футбол элементлари бўлган «Соғломжон — полвонжон» спорт ўйинлари, «Қувноқ стартлар» телемусобақалари, Республика мини футбол турнири, спорт фестивали, III-Республика ўқувчи-ёшлар спартакиадалари ўтказилди.

Бироқ Ҳукумат қарорини ўқув юртлари ҳаётига татбиқ этишда жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Кейинги уч йил ичида Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида бирорта ҳам футболни чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар ташкил этилмагани, айрим вилоятларда спортнинг футбол турини оммавийлаштиришга етарли эътибор берилмаётгани, мусобақалар ташкил этилмагани йўл қўйилган нуқсонлардандир.

Ҳайъат йиғилиши таълим муассасалари томонидан футболни ривожлантириш бўйича йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги 27-сонли қарорида ҳаққоний кўрсатиб ўтилгани, уларни бартараф этиш тадбирлари белгилаб берилганлигини қайд этди. Мазкур қарорни дастуриламал сифатида қабул қилиб, унинг бекаму кўст бажарилишини таъминлаш халқ таълими тизимидаги муассасалар, ўқув юртлари ва ташкилотларнинг шарафли ҳамда масъулиятли вазифасидир. Болалар, ўқувчи ёшлар ўртасида футболнинг оммавийлигини кучайтириш, моддий базаларни мустаҳкамлаш, шу асосда футболчиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштириш зарур. Ана шу мақсадда 10 кун муддатда янги тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишни, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига 20 кун муддатда футболни ривожлантириш аниқ чора-тадбирларини белгилаш, маҳаллий ҳокимликлар ва идоралар, спорт ташкилотлари билан биргаликда 1996-1997 йилларда барча умумтаълим муассасаларини, спорт мактаблари ҳамда мактаб-интернатларни футбол стадионлари ва майдонлари билан таъминлаш, ҳудудий мусобақалар ташкил этиш, ўқув юртларида футбол мусобақаларини ўтказиш каби ташкилий ишларни адо этишни топширди.

Ҳайъат йиғилиши болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни ривожлантириш бўйича қабул қилган қарорида вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари, маҳаллий бошқарув идоралари, умумтаълим муассасалари, ўқув юртлари, спорт ташкилотлари олдидаги энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шунга эришиш керакки, болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни оммалаштириш, уларни жисмонан чиниқтириш ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили бўлсин, мамлакат футболчиларнинг иқтидорли ўринбосарларини камол топтиришга хизмат қилсин.

Ҳайъат йиғилиши «Таълим муассасалари ва ўқув юртларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказишнинг аҳволи ҳамда мазкур ишларни такомиллаштириш чоралари тўғрисида» (маърузачи Р. Аҳлиддинов) ахборотини тинглади ва муҳокама қилди.

Республика ҳукуматининг таълим муассасалари ҳамда ўқув юртларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ҳақидаги қарорини бажариш борасида Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси ҳамда жойлардаги аксарият таълим бошқарув органлари томонидан 1993 йил август ойидан бери муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида шу ишларга оид услубий тавсияномалар, дастурлардан иборат тўртта ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди ва амалиёт учун жойларга юборилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида мазкур масалага доир амалий семинарлар ўтказилди.

Шу йилнинг 1 январигача 7025 та таълим муассасалари ва ўқув юртлари аттестациядан ўтказилди. Шулардан 6407 таси аттестациядан муваффақиятли ўтди.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, қатор ҳудудларда мазкур ишни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилган. Жумладан, Сурхондарё, Наманган, Хоразм вилоятларида 18,8 фоиздан 24,4 фоизгача таълим муассасалари давлат аттестациясидан ўтказилган холос. Бир қатор вилоятларда таълим муассасасига мақом беришда Низом талабларига риоя қилинмаган. Шу каби камчилик ва нуқсонлар айрим бошқарув органлари ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг бу ишга масъулиятсизлик билан ёндашаётганлигини кўрсатади.

Ҳайъат йиғилиши таълим муассасалари ва ўқув юртларини аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш борасидаги маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини етарли эмас деб топди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш, бу масъулиятли ишни амалга оширишда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, махсус Низомга, жойларга юборилган тавсияномаларга қатъий амал қилиш зарурлиги кўрсатилди, аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳайъат йиғилиши Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси ҳамда жойлардаги инспекциялар қошидаги жамоатчи экспертлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

Шунингдек йиғилишда «1995 йил педагогика ўқув юртларига талабалар қабули якунлари ва 1996 йилдаги вазифалар», «Ёрдамчи мактабларнинг 5-6-синфлари учун яратилган «Дурадгорчилик» дарслиги», «Синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонлари» ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилиши ишида Ўзбекистон Республикаси Президент девонининг етакчи консультанти Ислом Турсунов қатнашди ва нутқ сўзлади.

---

Бир соатлик дарс

# МЎЪЖИЗА ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ

*Математика фани шунчалик жиддийки, уни қизиқарли қилишнинг иложи бўлиб қолдими, буни қўлдан бой бермаслик керак.*

**(Б. Паскаль)**

Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг давр биз муаллимларнинг зиммамизга улкан вазифаларни юклади. Она-Ватанимиз ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши учун ёшларимизни билимдон ва ишбилармон қилиб тарбиялашимиз лозим. Лекин ҳозир, ҳеч кимга сир эмаски, аксарият ўқувчиларимизда табиий фанларга, жумладан, математикадан илм олишга интилиш суст. Бу ҳол ўқувчиларимизга талаблар даражасида билим беришга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабабларидан бири, менимча, математика дарсликларининг ҳаммаси рус тилидан тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилинганлиги ҳамда миллий руҳ йўқлиги, иккинчидан, ёшларимизнинг дунёқараши, билим даражаси ва савияси ҳисобга олинмаганлигидир. Учинчидан, мавзуларнинг баён этилишида кўпроқ илмийликка эътибор берилганлигида деб ўйлайман. Шу билан бирга мавзуларни бир хил қолипда баён этилаётганлиги ўқувчиларни зериктириб қўймоқда. Натижада ўқувчиларимиз дарсликлар билан мустақил ишламай қўйишди. Юқорида тилга олинган муаммолар ўқувчиларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатаётир.

Шу ўринда мен бу муаммоли масалаларни бартараф этиш борасидаги ўз тажрибаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

«Математика (риёзиёт) ғоят бир юксак фанки, унда бир олам мўъжиза ётади», — деган эди улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек. Бас шундай экан, математика дарсларида ҳар бир мавзуни ўрганишда мавзуга алоқаси бўлган ёки бўлмаган қизиқарли математик ўйинлардан, шеърий топишмоқ ва ривоятлардан ҳамда буюк математик олиму фузалолар ҳикматларидан усталик билан фойдаланишга тўғри келади. Албатта, танланган математик ўйин ва шеърий топишмоқлар ўқувчилар ёшига, қобилиятига ҳамда дарсдан кўзланган мақсадга мос келиши лозим.

Масалан, 7-синфда ўтказиладиган «Бир ўзгарувчи чизиқли тенгламаларни ечиш» мавзусидаги дарсни олайлик. Бу дарсда «Ўйланган сонни топиш» математик ўйинини қўллаш мумкин. Янги мавзуни бошлашдан олдин ўқувчиларга ўзлари бирор сон ўйлашлари, бу сонни сир тутишлари кераклиги ҳамда ўйлаган сонлари устида қуйидаги амалларни бажаришни топшираман:

1. Ўйланган сонни 5 га кўпайтиринг.
2. Натижага 6 ни қўшинг.
3. Натижани 2 га кўпайтиринг.

Ўқувчилар топшириқларни бажаришгач, ҳар бир ўқувчидан охирги натижани сўраб, натижадан 12 ни айириб, қолдиқни 10 га бўлиб, улар ўйлаган сонларни тез айтиб бераман. Натижада ўқувчиларни мени қандай қилиб, улар ўйлаган сонни топа олганлигим қизиқтиради. Ўқувчиларни дарсга жалб қилиш осонлашади. Шунда ўқувчиларга ҳозир ўрганиладиган янги мавзуни яхши ўзлаштирган ўқувчи шундай ўйинларни мустақил ҳал қила олишлари ҳамда шунга ўхшаш бошқа ўйинлар топишлари мумкин эканлигини айтаман. Шундан сўнг ўқувчилар янги мавзуни тезроқ ўрганишга қизиқадилар. Худди шу вазиятда янги мавзуни ўргатишни бошлайман. Математик ўйиндаги ўйланган сонни Х (икс) деб белгилаб ва ўқувчилардан бирини охирги натижасини олиб, чизиқли тенгламага келтириб ишлаб кўрсатаман. Ҳамма ўқувчилар ўзлари ўйлаган сонларини чизиқли тенглама ёрдамида топишларини айтаман.

Ўқувчилар чизиқли тенгламалар ишлашни ўзлаштиргач, қуйидаги шеърий топишмоқни ифодали ўқиб бераман:

## ҚИЗЧАНИНГ ЁШИ

Қизча кетиб борарди
Чол учради баногоҳ.
Саломлашгач сўради:
«Ёшинг қанча, қизалоқ?»
Қизча деди: «Ойимдан
Икки бора кичикман,
Лекин ойим дадамдан
Роса беш ёш кичиклар
Уччаламиз бир бўлиб,
Етгандирмиз юз ёшга.
Бобо, топинг ёшимни
Сабр тилаб бардошга».
Қизчанинг жавобидан
Бобо кўнгли тўлмади.
Қизча ёшин топмоқнинг
Ҳеч иложи бўлмади.
Кичик ҳисоб бажариб
Дўстим, чолга бер ёрдам.
Тенглама кўмагида
Қиз ёшини топ илдам.

Бу шеърий топишмоқ дарс мавзусига алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириб, ундаги жумбоқни мустақил равишда тенглама тузиб, шу тенглама асосида ҳал қилишларини топшираман.

Тажрибаларимдан шунга амин бўлдимки, ўқувчиларнинг математика фанига муносабати ўзгарди ва математика дарсларига жиддий эътибор бера бошладилар. Натижада ҳар бир янги мавзуни баён этишда дарсга ўқувчилар диққатини қаратиш бир оз енгиллашди, уларнинг ўзлаштириш даражаси ортди.

Умуман, математик ўйин ва шеърий топишмоқлардан деярли ҳамма дарсларимда фойдаланишга ҳаракат қиляпман. Бунда менга Наманган давлат университети ўқитувчиси Дадамирза Отақўзиевнинг «Математика мадҳи», қизиқарли математикага оид адабиётлар, газета ва журналларда берилган манбалар қўл келмоқда.

**Аҳмадхон ОЙЎРАЕВ,**
**Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Т. Қамбаров номли 1-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси.**

---

Касаба уюшмалари ҳаёти

# ФАОЛЛАРГА ГУВОҲНОМАЛАР

*Касаба уюшмалари —жамиятимизнинг етакчи, фаол, ғамхўр ташкилотларидан. Уларнинг роли ва аҳамияти ҳар соҳада сезилади. Андижон шаҳрида бўлиб ўтган тўрт кунлик касаба уюшмалари фаолларининг ўқувида бу фикр яна бир карра ўз исботини топди.*

*Фарғона водийси бўйича бу ўқувни ўтказишдан мақсад, ҳудудда фаолият кўрсатаётган мазкур ташкилот иш услубини такомиллаштириш,тармоқ тизими ташкилий қурилишидаги ўзгаришлардан воқиф этиш эди.*

*Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси И. Х. Абдуғаниевнинг кириш сўзидан сўнг, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ инситутининг директор ўринбосари, юридик фанлари доктори Ш. Файзиевнинг маърузаси тингланди. Нотиқ «Мустақил Ўзбекистон Республикасини конституциявий таъминлаш» тўғрисида сўз юритди.*

*Ўқувнинг биринчи кунидаги асосий маърузалардан бири фалсафа фанлари доктори профессор Т. Тошлоновнинг «Мустақил Ўзбекистон давлати — миллий ғурур истиқлол мафкурасини шакллантириш усуллари» тўғрисида бўлди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Раиси, иқтисод фанлари доктори И. Абдуғаниевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда улар олдига қўйган вазифалар асосида тармоқ ишини янада такомиллаштириш, тармоқ тизими ташкилий қурилишидаги ўзгаришлар тўғрисида»ги нутқи фаоллар томонидан қизғин муҳокама қилинди.*

*Шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи С. Қосимов «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълимининг кўп поғонали тизимини ислоҳ этишдаги муаммолар», республика халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблар бош бошқармаси бошлиғи Г.Я. Олимова «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикада ўрта умумтаълимни ривожлантириш режалари» мавзусида маъруза қилдилар.*

*Касаба уюшмалари фоллаларининг ўқуви иккинчи куни шўъбаларга бўлинган ҳолда иш кўрди. Бунда касаба уюшмаларининг халқ таълими тизимидаги иштироки, режалари, ҳисоб-китоб ишлари, ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалари кўриб чиқилди, таклифлар-истаклар ўртага ташланди. Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари фаолиятини бошқараётган мутасадди шахслар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинди. Шўъба йиғилишлари жонли мунозара, савол-жавоблар билан ниҳоясига етди.*

*Ўқувнинг сўнгги кунида шўъба иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилди. Фаоллар ўқувига якун ясалди ва уларга гувоҳномалар топширилди.*

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА,**
**«Маърифат» мухбири.**

---



Чиноз туманидаги Т. Охунов номли 27-ўрта мактабнинг география фани ўқитувчиси Абдурасул Усмонов ўқувчиларга экологиядан ҳам сабоқ бериб келаяпти.

Ёш авлодга экологик таълим-тарбия бериш бугунги куннинг асосий талабларидан биридир, — дейди у.

СУРАТДА: А. Усмонов экология фанидан ўқувчиларга кўргазмали қуроллар ёрдамида дарс ўтаяпти.

**А. РАҲИМОВ олган сурат.**

---

# УСЛУБИЯТ УСТАСИ

Доноларимиз айтганларидек, ҳар бир иш ўз устасидан қўрқади. Ҳа, ҳар бир иш ўз бажарувчисидан билим ва малака, иқтидор ва фидойилик талаб қилади. Ана шундай фидойилардан бири ўз касбини севган иқтидорли муаллим, Китоб тумани халқ таълими бўлими услубчиларининг сардори, услубият хонасининг мудири Ҳамроқул Очилов ҳақида кўп бор эшитганман. Яқинда хизмат юзасидан Китоб туманида бўлганимда Ҳамроқул акани иш устида учратдим. У киши мен тасаввур қилганимдан ҳам соддароқ, вазмин, кам гапириб, кўп тинглайдиган инсон экан.

Ҳ. Очиловнинг Самарқанд давлат дорилфунунини география муаллими мутахассислиги бўйича тугатиб, ўз соҳаси бўйича ишлай бошлаганига ҳам 24 йил тўлибди. У иш фаолиятининг 10 йилдан ошиқроғини шаҳар, туман услубият хоналарининг мудирлигидек масъулиятли вазифада ўтказмоқда. Услубият хонаси ҳар бир халқ таълими бўлимида таълим ва тарбияни ташкил этиш, бошқариш маркази ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг билим-малакасини ўрганиб бориш, уларга услубий ёрдам бериш, таълим-тарбия борасидаги режа ва тавсияларни ишлаб чиқиш, ҳамма-ҳамма тадбир ва янгиликлар илк бор ана шу марказда ўрганилади ва оммалаштирилади.

Кейинги йилларда Китоб тумани маорифчиларининг иш услублари Қашқадарё вилояти бўйлаб кенг оммалашмоқда. Бу иш услуби нимадан иборат? Мавжуд 86 та мактабдаги 3750 ўқитувчи 8 та гуруҳга ажратилган бўлиб, ҳар бир гуруҳ аъзолари ҳар 2 ойда белгиланган 8 та мактабда йиғиладилар ва ўз мутахассисликлари бўйича услубият бирлашмасини ўтказадилар, маърузалар тинглайдилар, янгиликлардан воқиф бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар.

Айни кунда тумандаги 80 та мактабда 166 та синфда ўқувчилар 13 та фан бўйича чуқурлаштирилган билим олмоқдалар. Биргина шу ўқув йилининг ўзидаёқ китоблик ўқитувчилар 20 та янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини мутахассисликлар асосида ташкил этилган умумий йиғилишларда таҳлил қилдилар ва керакли услубий изоҳлар ишлаб чиқдилар. Ўтган ўқув йилида услубиёт хонаси томонидан «Ўқитувчиларга эсдаликлар» ишлаб чиқилди. Унда ўқитувчилар томонидан бажарилиши лозим деб топилган 270 та муҳим вазифа қайд этилган. 1995-96 ўқув йилини китоблик маорифчилар «Ноанъанавий услубларда дарс ўтиш ўқув йили» деб қабул қилганлар. Улар дарсларда шарқона урф-одатларга, миллий қадриятларимизни тиклашга, маданий меросларимизни ва буюк алломаларимиз турмуш тарзларини ўрганишга, Ватанни севишга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар.

Амалга оширилаётган барча ибратли ишларда услубият хонаси услубчиларининг ва уларнинг фидойи раҳбари, услубият устаси Ҳ. Очиловнинг хизматлари беқиёсдир.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

---

Таклиф

# ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ВА ТИЛ ЗАВҚИ

Кейинги йилларда она тили ўқитишнинг янги, самарали услубларини ишлаб чиқиш устида қизғин мунозаралар кетаётгани кишини қувонтиради. Чунки она тилини эски тартибда яъни ўзбек тилининг грамматик хусусиятларини «ипидан игнасигача» ўргатишга тиришишнинг нотўғри экани бугун барчага аён. Ўқувчи, аввало, ўз она тилини сева билмоғи лозим. Она тилига меҳр-муҳаббатни эса зўраки услублар ёрдамида сингдириб бўлмайди.

Мактабларда бадиий матн устида ишлашнинг ўта чегараланганлиги натижасида тил дарслари қуруқ ва зерикарли ўтмоқда. Масалан, «Аҳмад дарсга келди» гапи. Ўқитувчи сўз туркумларини ўтаётганида ҳам, келишикларни тушунтираётганида ҳам, гап таҳлил қилаётганида ҳам шу ва шу каби ниҳоятда содда далилларга мурожаат қилади. Ўқувчи от билан феълни топиб, келишикларни аниқласа бўлади. У қандай гап, моҳият нима, умуман, ўқувчининг сўз эстетикаси, тил завқига қандай таъсир этади? Булар билан қизиқилмайди. Натижада ўқувчида ҳам, ўқитувчида ҳам бадиий сўзга эҳтиёж ҳисси йўқолиб бормоқда. Бундай ҳолнинг олдини олиш учун ўқувчилар билан бадиий матн устида кўпроқ ишлаш керак бўлади. Хусусан, ўқувчининг сўз бойлигига диққатни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

АҚШдаги лицейлардан бирида икки синф устида бир тажриба ўтказилгани ҳақида ўқигандим. Мақолада баён қилиниши бўйича, синфлардан бирига ўша мактабда ўқитиладиган одатий дарслар берилади. Иккинчисига эса ўша дарсларга илова тарзида янги сўзларни ўргатувчи махсус курс берилади. Маълум бир даврдан сўнг илова курс олган гуруҳдаги талабаларнинг фақаттина инглизчадан эмас, балки барча фанлардан устун савия кўрсаттани маълум бўлади.

Ёки Стивинс Технология институти профессорларидан доктор Жонсон О'Коннор иш юритувчилик соҳасида таҳсил кўраётган 100 талабага вокобуляр тест беради( Бу, ўқувчилар сўз бойлигини текширадиган тест тури бўлиб ривожланган мамлакатларда бунга катта эътибор беришади). Беш йилдан кейинги назоратдан маълум бўлишича, ўша тестда юқори балл тўплаган талабаларнинг барчаси давлат маҳкамаларида иш юритувчи бўлиб ишлаётган экан.

Шубҳасиз, сўз бойлигининг аҳамияти чексиз. «Фикр билан сўз ўртасида шунчалар яқин алоқа бордир-ки, — дейди Томас Жаридан, — биридаги нуқсон иккинчисида дарҳол ўзини кўрсатади».

Демак, тил дарсларида ўқувчининг сўз белгисига эътиборини қаратиш билан жуда кўп соҳаларда муваффақиятларга эришиш мумкин экан. Бунинг учун имкони қадар дарсларда «янги сўз» ўргатишга маълум дақиқа ажратилса ва давомли тарзда назорат қилиб борилса, аминманки, ўқувчилар дунёқарашида, янги дарсни тушунишида катта ижобий ўзгаришларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Туркияда ёш психологиясини ҳисобга олиб махсус изоҳли сўзликлар яратилган. Ва бу сўзликлардан фойдаланиш ўқувчи учун одатий ҳолга айланган. Агар бу иш бизда ҳам йўлга қўйилса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки барча сўзларни биладигандек ҳис қиламиз ўзимизни. Аммо вақти келиб, биздан энг оддий сўзнинг изоҳи сўралганда аниқ жавоб бера олмай қолишимиз мумкин.

Она тили дарслари ўқувчиларни бездирадиган даражада илмийлаштирилмагани маъқул. Бунда дарслар «қоидадан таҳлилга» эмас «таҳлилдан қонуниятга», «хусусийдан умумийга» йўналтирилган бўлиши керак. Чунки грамматик қонуниятлар фикрни аниқ мазмунан ва мантиқан тўғри ифодалашга хизмат қилувчи воситадир.

Она тили дарсларида аудиовизуал воситалардан фойдаланишни ҳам йўлга қўйиш лозим. Ўқувчи муайян дарсга алоқали фильмни телевизор орқали кўрса ёки магнитофондан эшитса ва қонуниятларини мутолаа жараёнида ўрганса, бундай дарс ўқувчининг хотирасида яхши сақланади. Айни пайтда ўқитувчилар учун ҳам худди шундай дарс кассеталарини тайёрлаш керак. Буни Республика таълим илмий методика марказининг ёрдамисиз амалга ошириш мушкул. Агар энг яхши дарсларни аниқлаб, аудио ва видео магнит тасмаларига туширилса ва малака ошириш институтлари орқали оммалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, услублар замон талаблари билан ҳамқадам бўлмас экан таълимда жиддий ютуқларга эришиб бўлмайди.

**Маъруф ЙЎЛДОШЕВ,**
**Фарғона давлат университети филология факултети 5-курс талабаси.**

---

# ДАВРА СУҲБАТИДА — ФУТБОЛ

Яқинда Республика Таълим илмий-методика Марказининг мажлислар залида мамлакат олий лига командалари фаоллари иштирокида катта давра суҳбати ўтказилди. Президентимиз кўрсатмаларидан келиб чиқадиган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатида қатнашган халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов. Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Мақсудов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Тошкент шаҳар ҳокими муовини Ш Жалилов ва бошқалар футболни ривожлантириш, унинг шон-шуҳратини жаҳон мезонлари талаблари даражасига кўтариш борасидаги тренерлар, ҳакамлар, ўйинчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Қизиқарли учрашувда футбол ривожи, унда ўқувчи-ёшлар фаол бўлиши таъкидланди.

**И. ЖЎРАҚУЛОВ.**

---

# ТАНЛОВ НИМАНИ КЎРСАТДИ...

(Боши 1-бетда)

Қўқонда ўқувчилар фаоллиги кўзга яққол ташланмади. Шунингдек, очиқ дарсларда барча тингловчилар ҳам бир хилликдан қутулолмадилар. Уларнинг айримлари ўқувчиларни олдиндан тайёрлаб қўйганликлари маълум бўлди. Зеро, ўқитувчи ўз маҳоратини алоҳида шарт-шароитда намойиш этадиган танлов жараёни одатдаги дарс соатларига мутлақо ўхшамайди. Шунинг учун ҳам, ўйлайманки, эндиликда танловнинг, дарсларнинг мазмунига тааллуқли қисмига тегишли ўзгартишлар киритиш лозим.

Бундан ташқари, кейинги вақтларда ноанъанавий машғулотлар ўтказиш расм бўлиб қолди. Бу яхши. Аммо ҳар бир дарс мазмун-моҳиятига кўра маълум стандартларга мувофиқ бўлиши лозимлигини ҳамма ўқитувчилар ҳам тушунаётганлари йўқ. Айрим ўқитувчилар синфдан ташқари машғулотларни ўйланмаган, асосланмаган шаклларда дарсга олиб кириб, анъанавий машғулотларга янгилик киритишни ҳаддан ташқари эркин тушунмоқдалар. Биз, албатта, дарсларнинг хилма-хил ўтилиши тарафдоримиз. Лекин танловда дидактик ва педагогик тамойилларга мос келадиган машғулотлар кўрсатилиши керак. Булар эса изчиллик, оддийлик ва кўргазмалилик билан боғлиқ.

— *Қўқондан қайтганингиздан сўнг кўнглингизда танлов шартларига тузатишлар киритиш ҳақида қандай фикрлар туғилди?*

— Энг аввало, бу танловнинг якунловчи кунига тааллуқли. 14 нафар иштирокчи тўртта топшириқдан танловнинг энг қизғин кунларида ўтишди ва бу жуда кўп вақтни олди. Энди ўйлашимча, иккита топшириқни бошқа кунга кўчирсак ҳам бўлар экан.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир топшириқ иштирокчилардан диққат эътибор ва вақт талаб қилади. Шундай экан, уларнинг бу ишлари ўтган йилда бўлганидек эмас, ҳаққоний ва муносиб баҳоланиши шарт.

Кейинги вақтларда ўқитувчилардан, халқ таълими ходимларидан кўп қизиқарли таклифлар тушаяпти. Жумладан, республика кўрик-танловининг иштирокчилари қайсидир чет тилини билиши керакликлари таъкидланди. Кимларгадир бу таклиф маъқул келмас. Бироқ биз давр талабидан келиб чиққан ҳолда фақат олға ҳаракат қилишимиз керак. Эслайлик, бундан икки йил аввалги танлов дастури компьютерда ишланган, баъзи ўқитувчилар буни ҳам ажабланиб қабул қилишганди. Энди маълумки, ЭҲМ ёрдамида тест ўтказиш оқилона иш бўлиб қолди.

Яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Танловда қатнашган ҳар бир ўқитувчи ўз олдига совринли ўринни эгаллашни мақсад қилиб қўйганлиги сир эмас. Ўтган йилги танловга назар солайлик: учтаси ғолиб топилди. Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Самарқанддан ва бошқа ҳудудлардан келган қобилиятли ўқитувчилар четда қолиб кетдилар. Уларнинг айримлари Қўқондан руҳсиз бўлиб қайтдилар, дейишса ажабланмайман. Менимча, «Йил ўқитувчиси» битта бўлиши керак. Битта бўлса ҳам педагогика, дарс жараёнига ўрганиш ва оммалаштиришга муносиб янгилик киритган бўлсин. Бошқа қатнашчилар эса совриндорлик унвони билан тақдирланиши лозим. Бундай ҳолатда кураш ўрин учун эмас, мазмун учун бўлишига аминман.

— *Яна бир савол. Танлов ҳам тугади. Иштирокчилар уй-уйларига жўнаб кетдилар. Хўш, кейин нима бўлади? Танлов тугагани йўқ, давом этмоқда, деганингизда нимани назарда тутаётирсиз?*

— Ҳар бир кўрик ўзига хос «юлдуз»ларни кашф этишидан хабардорсиз. Хусусан, «Йил ўқитувчиси» танлови боис биз А. Суюнов (Самарқанд), Я. Авлоқулов (Қашқадарё), С. Мўродов (Жиззах), М. Саидов ва бошқалар билан танишган эдик. Биз ҳеч бир иштирокчини унутишга ҳаққимиз йўқ. Улар тажрибалари кенг оммалаштирилиши лозим. Вилоят халқ таълими ходимлари малака ошириш институтлари бу ўқитувчиларнинг дарслари акс этган видеокассеталардан фойдаланишни йўлга қўйишлари зарур. Бу борада Тошкент вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ректор Д. Маликова ташаббуси билан уюштирилган Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан ҳамда собиқ Иттифоқ республикаларидан таклиф қилинган сара ўқитувчиларнинг учрашуви ғоятда қизиқарли бўлди. А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида махсус курсларни ташкил этишда мазкур ўқитувчиларнинг ишлаб чиққан ўқитиш услубларини жорий қилиш мумкин.

Менимча, ҳар бир туманда вилоят халқ таълими бошқармалари илғор педагогик тажриба ҳамда ўқитишнинг янгича услубларини вужудга келтириш бўйича комиссиялар тузиш керак. Республика танловига қатнашадиган ўқитувчи унга ўзининг тажрибасинигина эмас, балки илмий асосланган, ҳеч ким рад эта олмайдиган истеъдодини ҳам ола келсин. Бунда комиссия муаллимга ёрдамга шай турсин!

Бундан ташқари ҳозир иштирокчиларнинг ўзлари ёзган методик қўлланмалари тайёрланмоқда. Бу, шубҳасиз танловнинг ўзига хос давоми бўлиб қолади.

Ижодкор ўқитувчиларнинг Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан бўлган учрашувларидан бирида «Ижодкор ўқитувчилар» уюшмаси тузиш ҳақидаги фикр ўртага ташланган эди. Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Республика ижодкор ўқитувчиларининг навбатдаги анжуманида қабул қилинади.

— *Суҳбатимиз сўнгида сизнинг номингиздан республика халқ таълими ходимлари ва барча педагогларга мурожаат қилмоқчи эдим: агар сизларда «Ўзбекистон Республикаси йил ўқитувчиси» кўрик-танловига оид муҳим таклифлар, ният ва истаклар бўлса, бизга ёзиб юборинг. Ишонтириб айтамизки, хатларингиз эътиборсиз қолмайди.*

**И. АУЛОВА суҳбатлашди.**

---

Савол беринг, жавоб берамиз

# ИҚТИСОДЧИ НОҲАҚМИ?

*«— Мен мудирлик қилаётган кабинетда 12 та «Агат-9» маркали ЭҲМ мавжуд. 1 та ЭҲМ таркибига клавиатура, дисплей ва системали блоклар киради. Ана шу 3 таси 1 та комплектни ташкил этади. Лекин туман халқ таълими бўлими иқтисодчиси менга битта комплект учун ҳақ тўлаб келаяпти. Шу тўғрими?»*

**Абдулла МАТКАРИМОВ,**
**Хоразм вилояти Хива туманидаги 17-ўрта мактабнинг информатика фани ўқитувчиси.**

— Абдуллажон Маткаримов саволига жавобан шуни маълум қиламизки, ҳақиқатан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарорига 1-иловасида келтирилганидек, информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинетларига мудирлик қилиш юклатилган ўқитувчига ўқув-ҳисоблаш техникасининг ҳар бир ишлайдиган комплекти учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Ўқув-ҳисоблаш техникаси комплекти деганда, тармоқда ишлайдиган синф-комплект (КУВТ) назарда тутилган.

Шу йилнинг 1 сентябрига қадар энг кам ойлик иш ҳақи 150 сўм бўлганлиги учун бир синф комплект учун 7 сўм 50 тийин тўланган. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 16 август қарорига асосан 1 сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи 250 сўм белгиланган. Демак, бир синф комплект учун ўқитувчига тўланадиган қўшимча ҳақ $250 \times 0,05 =$ 12 сўм 50 тийинни ташкил этади.

**Сойибжон АЛИЕВ,**
**ЎзХТВ Ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.**

*Сиртқи дарс*

# 4. АМИР ТЕМУР ҚУРДИРГАН ЧОРБОҒЛАР

**Дарснинг мақсади:** ўқувчиларга Амир Темур чорбоғлари ҳақида тушунча бериш. Улар нафис санъат кошоналари бўлганлигини айтиш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўтмиш меъморий меросимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш. Ўз меъморчилик анъаналарининг оригиналлигидан фахрланиш ҳиссини уйғотиш.

**Дарс режаси:**

1. Чорбоғ нима?
2. Самарқанд атрофида қурилган чорбоғлар.

Биринчи саволни тушунтиришда ўқувчиларга чорбоғ тушунчаси ёздирилади: чорбоғ — тўрт боғ; боғ соқ тилида Тангри дегани. Тахминга кўра зардўшт динида тўрт унсур: сув, тупроқ, ўт, ҳаво илоҳийлаштирилган.

Алишер Навоий илтимоси билан Ниёзий деган бир деҳқончилик ишлари билимдони (баъзи манбаларда Фозил Ҳаравий) «Иршодуз-зироа фи илмил-ҳиросат» («Экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми») асарини ёзган. Асарда чорбоғларнинг қурилиш қоидаси, тарҳига доир махсус боб мавжуд бўлиб, жумладан қуйидагилар ёзилган:

«Қоида шул, ки чаҳорбоғ атрофини девор этагидан уч зироъ (бир зироъ —70 см) ташлаб, бир зироъ келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор тарафдаги қирғоғига бир-бирига яқин қилиб сафидори Самарқандий (ар-ар терак) экиладики, у хушнамодур. Қарағай у қадар латофатли эмас, шунинг учун унинг ҳожати йўқ. Боғ тарафдаги қирғоғига савсан (гулисапсар) экиш муносибдир. Кейин йўлак учун уч заръ (газ — 107 см)лик жой ташлаб, бир зиролик ариқ қазилади. Унинг йўлак тарафдаги қирғоғига савсан экилади. Тераклардан беш зироъ узоқликда бўлган унинг пуштасига зардолу (ўрик) экилади. Ҳар икки зардолу оралиғига гули сурх ва шафтолу экиш муносибдир. Мазкур зардолулар ҳар биридан беш заръ узоқликда ё зардолу экиб, олу пайванд қиладилар, ё ток экадилар. Шундан кейин оралиқдан, ўртадан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ олинади. Унинг қирғоғига ҳамиша баҳор, савсани расмий ва ханжарий экилади, ки улар хушнамодурлар. Мазкур шоҳариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб, йўлак учун атрофи ўралган пушта ясалади. Кейин себарга учун жой ҳозирланади.

Себаргазор томонда алоҳида-алоҳида баланд чаҳорчаман ясалади. Биринчи чаман — анор, иккинчиси — беҳи, учинчиси шафтолу ва шалир, тўртинчиси — олмурут бўлади. Чорчаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчи боғчага кўк бинафша, элчи савсан ва зебо гуллардан садбар, иккинчисига заъфарон, наргиз ва бирор оддий зебо гул, бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш гули, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи ва оқ савсан, оддий шақойиқ; яна бошқа боғчага оқ ёсуман, арғивон, сариқ бинафша, лолайи дутабақа, гули шаббўй, сариқ лола, насрин, бағдодий, қазқо. Яна бирига гули раъно экилади. Буларнинг ораларига хашхош (кўкнор гул), кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шашмоҳа, замбақ (нилуфар), қаранфил гул, лиму савсани, савсани хатмий, ки уни яна гулхайри ҳам деб атайдилар, экилади. Яна бир боғчага хатми хитойи, оқ ёсуман, шаб ба дўстон, чаманафрўз, лолайи хитойи, бўстон-нафрўз (гули тожихўроз) экилади, ки бу гуллар бирин- кетин очилгайлар. Боғчалар этагига уларнинг шарқий ва ғарбий томонларига настарин экилади; унинг ёнидан — ҳовузнинг шимол томонидан яна икки туп настарин экадилар. Ҳовуз иморатдан йигирма заръ ёки қанча муносиб топилса шунча узоқликда бўлиши лозим. Иморат курсиси (фундамент) атрофига чинор, толтут экадилар. Иморатга яқин жойларга, унинг шарқ тарафига олуболу, ғарб тарафига гилос, улар орасига қизил арғувон экадилар. Иморатнинг жануб томонидаги лулапул (суфа)га олма экилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари олма дарахти кун тафтини қайтаради».

Кўриниб турибдики, чорбоғ тўғри тўртбурчак шаклида, ҳар томони, одатда, 1500 газ (1600 м.) бўлиб, ўртасида енгил, чўбкори қилиб кўшк (ё қаср) солинган. Ўртадан ўтказилган ариқ чорбоғни тўрт қисмга бўлган. Тўрт томондан келадиган ариқлар мармар ҳовузга қуйилган. Ҳовуз ўртасида баъзида фаввора ўрнатилган.

Амир Темур томонидан қуйидаги чорбоғлар қурилган:

**Боғи Нақш жаҳон** — Чўпонота тепалиги этагида, 1370 йилларда қурилган. Кўп ўтмай бузилган.

**Боғи беҳишт** — шаҳарнинг ғарбида, 1378 йили хотини Туманоқо учун қурдирилган. Боғи амирзода Шоҳруҳ— шаҳарлардан ўн чақирим шарқда, 1394 йили қурилган.

**Боғи бўлду** — Панжакент йўлининг ўнг тарафида 1398—1400 йилларда қурилган.

**Боғи дилкушо** — шаҳардан олти чақирим шарқда, Конигил ўланги четида, 1396-1398 йилларда хотини Тўкалхоним учун қурилган. Боғ ўртасидаги қаср уч қаватли бўлган.

**Боғи шимол** — набираси, Мироншоҳнинг қизи Бекаси Султон учун 1397 йили қурилган.

**Боғи зоғон** — шаҳар шарқида қурилган.

**Боғи Баланд** — Чўпонота мақбараси ёнида Мироншоҳнинг иккинчи қизига атаб қурилган.

**Боғи давлатобод** — Дарғом даштида, Шовдор ариғи ўртасида Ҳиндистон юришидан кейин 1399 йили қурилган.

**Боғи чинор** — Дарғом ариғи ёнида, шаҳарнинг ғарби-жанубида қурилган.

**Боғи нав** — шаҳар ғарбида, ҳозирги шаҳар боғи ўрнида.

**Боғи жаҳоннамо** — Анҳор туманида тоғ этагида 1398 йили қурилган.

**Боғи майдон** — Афросиёбнинг шимолида Чилсутун қишлоғи ўрнида.

**Н. НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# ФАЛСАФА: ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЯНГИЛАНАДИ?

(Боши 1-бетда)

қочиб юрганимиз етарли.

**Малик ОРИПОВ**: Шу ўринда биз барибир Шарқ кишилари эканлигимизни унутиб қўйишимиз мумкин эмас. Зеро, ота-боболаримиздан фалсафа илми бўйича улкан-улкан, бебаҳо мерослар қолган. Биз уларни тўлиқ ўзлаштириб олмай туриб, дунё тафаккурига тенглашамиз, дея жар солишимиз беҳуда, Афсуски, шу пайтгача Марказий Осиё халқлари фалсафасининг тарихи дарслик ва қўлланмаларда етарли ёритилмаган. Менимча, билим юртларида фалсафани ўқиш-ўқитиш юзасидан йиғилиб қолган, ҳурматли юртбошимиз қайд этиб ўтган камчиликларни ижобий ҳал этишимиз учун, аввало, ўз даҳоларимиз қолдирган тарихни қунт билан ўрганиб чиқишимиз зарур.

**Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ:** Ҳар иккалангизнинг ҳам фикрларингизни маъқуллаган ҳолда масаланинг баъзи бир жиҳатларига эътибор беришингизни истардим. Биз шу пайтгача фойдаланиб келган, фалсафа бўйича ёзилган дарсликларнинг, қўлланмаларнинг диалектика ҳақидаги қисми айрим жузъий камчиликларини ҳисобга олмаганда илм учун ғоят зарурдир. Ишқилиб, ижобий ислоҳотлар баҳона уларни буткул йўққа чиқармасак, бас. Чунки, «диалектика»да неча-неча зукко инсонларнинг бир асрдан зиёд вақт ичида олиб борган илмий кузатишлари ётибди. У ҳеч кимга халақит бермайди. Истаган шу фалсафий оқимга мойиллик билдиради, истамаган, боя сизлар айтгандек, ё Ғарбдан ё Шарқдан ўзи учун мос йўл ахтаради.

**Иномжон РАҲИМОВ**: Домла, лекин истаймизми, йўқми, барибир диалектик фалсафада кучли бир ёқламалик мавжуд. У ҳур фикрликни тан олмайди. Биз, демократияга асосланган, мустақил жамият қурар эканмиз, эркин тафаккурга кўникишимиз лозим. Масалан, Ғарб фалсафасининг кўп тармоқлигидан, турли ғоявий оқимлар ва мактабларга бойлигидан ибрат олиб, ўзимиз учун, уларникидек фалсафа дунёсини яратайлик.

**Малик ОРИПОВ:** Бироқ ўз фалсафа дунёмизни яратиш учун ўз миллий қадриятларимизга, такрорлаб айтаман, тафаккур тарихимизга чин ихлос билан таянишимиз керак. Қолаверса, бизнинг Шарқ барча илмларнинг, жумладан, фалсафанинг ҳам бешиги бўлиб келган. Ҳақиқатни барча тан олган. Ўйлайманки, боболар руҳи мадад бериб, биз ҳам бугунги ўтиш даврида ислоҳотларга изчил ёндашиб, ўз тафаккуримизни дунё тафаккурига бўйлатамиз...

***ТАҲРИРИЯТДАН: «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» дейишади донолар. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Дунёқараши, тафаккур даражаси ўзига хос бўлган таниқли олимларимизнинг ҳам жажжи суҳбатида ўша ёрқин ҳақиқат томон дадил интилиш кўзга ташланади. Бу фазилат яхши! Бироқ фикрлар ранг-баранглиги биз кўзлаган мақсадни тўла ифодалай олмайди. Биз ҳурматли олимларимизнинг турли-туман, ҳатто, бир-бирига ўзаро туташиб кетадиган, қарама-қарши фикрларнинг унча-мунча оддий нигоҳлар илғаб ололмайдиган нозик нуқтасини топиб беришларини истардик. Бу нозик нуқта шунчалар муҳимки, бугунги кунимизга сув-ҳаводек зарур бўлган янги фалсафий дунёқараш худди ўша нуқтадан ўсиб чиқиб, илдиз отсин, куртак ёйиб, ниҳоят, мева берсин. Шунинг учун ҳам муҳтарам олимларимизнинг бугунги давра суҳбати навбатдаги қизғин баҳс, мунозараларнинг дебочаси, дея ҳисоблаймиз. Ўйлаймизки, олимларимиз ўртага ташлаган фикрлар ҳурматли муштарийларимизни, хусусан, фалсафа илми билан бевосита шуғулланадиган зиёлиларимизни бефарқ қолдирмайди. Улар ўзларининг фикрлари, ғоялари билан газетамиз ташкил этган фалсафий баҳсга шошилишади...***

***Хўш, фалсафа қачон ва қандай янгиланади? Бугун ўрта ва олий мактабларда ижтимоий-гуманитар фанларни, хусусан, фалсафа, жамиятшуносликни ўқитиш юзасидан қандай таклифлар бор? Газетхонлар ана шулар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, дея умид қиламиз.***

**Суҳбатни ёзиб олувчи: Луқмон БЎРИХОН.**



*Раъно Файзуллаева Дўстлик туманида кўп йиллар бошланғич синфларга сабоқ берди. 1990 йилда «Ниҳол» болалар боғчасига мудира бўлгач, тарбияга таълимни уйғунлаштириб олиб боришда унга мактаб тажрибаси қўл келди. Чунки ҳадемай бу болакайлар илм олиш иштиёқида мактаб остонасидан ҳатлашади.*

*СУРАТДА: Р. Файзуллаева.*

**Сураткаш Х. МИРЗАКАРИМОВ.**

*Фозиллик сабоғи*

# КОМИЛ ФУҚАРОГА МАСКАН БЎЛ, ВАТАН!

Мустақил юртнинг фарзандлари мустақил фикр юритадиган, ақл-заковатини Ватан манфаатлари учун хизмат қилдира оладиган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида маорифчилар олдига «ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш» вазифаси қўйилаётгани бежиз эмас. Бундай хислатларга эга баркамол инсонни тарбиялашда ўз меросхўрларига қайтарилаётган — улуғ боболаримиз ёзиб қолдирган бадиий ва илмий адабиёт катта ёрдам бераётир. Ислом дунёсининг беназир алломалари ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Ҳаким Термизий китоблари, Баҳоуддин Нақшбанд тариқати тўғрисида ёзилган асарлар Фаридиддин Атторнинг республикамизнинг пешқадам олими Нажмиддин Комилов таржимасида чиққан «Илоҳийнома»си каби нашрлар фикримизга асос бўла олади.

Бизнинг тушунчамиздаги «баркамол шахс» ва тасаввуф адабиётида таърифланган «комил инсон» орасида фарқ борми? Агар бўлса, бу нимада кўринади?

Хожа Нақшбанднинг мухлиси ва замондоши Муҳаммад Боқир ўз китобида гувоҳлик беришича, Нақшбанд ҳазратлари Ал-Ҳаким Термизий ҳақида айтган эканлар: «Йигирма икки йилдирки, биз Ал-ҲакимТермизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса, мен ҳам бу замонда бесифатдирман». (Муҳаммад Боқир, «Баҳоуддин Балогардон» китоби, 32-бет) «Бесифатлик» мукаммал инсон даражасига, яъни Ҳаққа етган шахс мезони. Ҳаққа эса тариқат, маърифат жавоҳирларини қалбига жо айлаган, фоний дунёнинг ҳою ҳаваслари, роҳат-фароғатлари деб, боқий дунё савобларидан кечмаган, эътиқодини пок сақлаган инсонларгина етади. Комил инсон ўзини коинотнинг ажралмас бир бўлаги деб ҳис этади. Қилаётган барча ишлари ва чекаётган ташвиш-риёзатларини бировга кўрсатиш, «кўз-кўз» этиш учун эмас, балки унга умр берган Парвардигор олдидаги бурчи туфайли бажаради, зеро бу хокисорлик Муҳаммад Боқир айтмиш «бесифатликда ҳеч нарса кўзга ташланмайди».

Демак, комилликнинг асосий мезонларидан бири инсоннинг ўз эътиқодига доимо содиқ қолиши, чеккан риёзатларини савоб йўлида эканлигини ҳис этишида намоён бўлади. Комил инсон ўз насибасини меҳнат қилиб топади. Нафс васвасасини енгиб, пешона тери билан рўзғор тебратган инсоннинг луқмаси ҳалол бўлади.

Нафс «талаблари» инсонни йўлдан уради, уни иймондан айиради. Нафс тубсиз чоҳга ўхшайди. Башарият тарихида бу «чоҳ»ни тўлдиролган одам ўтмаган. Ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам уни тўлдиролмаган.

Ривоятда айтилишича, жаҳонгир жангдан сўнг бир ариқ бўйига нонушта қилиш учун ўтиради. Қуритилган балиқ чангларини ювиш ниятида уни сувга солса, у бирдан сузиб кетади. Искандар бу сув — оддий сув эмас, балки ҳаёт суви эканлигини англаб, оқимга қарши бораверади. Ниҳоят икки ёғида соқчилар турган баланд дарвозага тўқнаш келади. Жаҳонгирни боққа киритмайдилар. У «анча йўл юриб келдим, ноумид кетмайин» деганда, ичкаридан овоз эшитилади: «Шунча риёзат чекибсан, жаҳонгир, майли, қуруқ кетма». Унга дарвозадан ошириб алланарсани ташлайдилар. Қараса, кўз — одамзот кўзи.

Искандар ўз донишмандларини тўплаб, бу «муаммо»ни ҳал қилиб беришларини сўрайди. Улардан бири тарозининг бир палласига кўзни, иккинчи палласига жаҳонгир олган мамлакатлардан келтирилган олтинларни қўяди. Аммо тарозининг кўз турган томони босиб тураверади. Яна қўяди, натижа йўқ. Охири энг донишманд киши ердан бир чимдим тупроқни олиб кўз гавҳарига тўккач, тарозининг ўша палласи кўтарилиб кетади.

Бу нафс, ҳирс кўзи — башарият офатларидан бири. Уни фақат ажал тупроғи тўйдиради, холос. Фариддин Аттор «агар ажалдан олдин бир дам ўлсанг, яъни нафсингни ўлдирсанг — оламни эгаллайсан» (Ф. Аттор «Илоҳийнома») деганда, шуни назарда тутган эди.

Оламни турли йўллар билан эгаллайдилар: куч ишлатиб, бойлик тўплаб, инсоният умрига асқотадиган илмий ва санъат асарлари яратиб. Охирги йўл билан «оламни эгаллаганлар» икки дунёда ҳам яшаб қолаверади, зеро улар ҳам комил инсонлардир. «Бу тоифа уч қисмга бўлинади: муқаллид (тақлидчи) эшитганига амал қилади. Комил ўз вужудидан чиқиб кетолмайди, комил мукаммалнинг тарбиясисиз мукаммал бўлолмайди», — дейди Баҳоуддин Нақшбанд. Демак, комилнинг ривожи мукаммалликка олиб келади. Мукаммал «ўзининг башарий вужудини инкор» этган, фоний ва боқий олам сир-асрорларидан, содир бўлажак ёки бўлиши мумкин воқеа-ҳодиса, ўзгаришлардан бохабар инсондир. «Башарий вужудини инкор» қилган инсонда фоний олам учун «сифат» ҳисобланган сифатлар қолмайди. Шунинг учун ҳам у «бесифат», яъни руҳи Ҳаққа яқинлашган мукаммал инсондир.

«Илоҳийнома»да ота дунё билимларини эгаллаган, аммо нафс балосидан қутулолмаган ўғлига насиҳат беради: «ўзингга қайт — саҳрода юрма, Ватанга қайт... Ватан муҳаббатидан имон пок бўлади... Одамлар ўзгалар қиёфасида ўзларини кўрадилар, аммо ўзларини ўзлари танимайдилар. Илоҳни таниш ҳам шунга ўхшашдир. Тангри таолони ҳар ким аввал ўзидан изласин, «ўзини таниган раббини танийди» ҳадисини эсдан чиқармасин. Ўзини таниш эса маърифатдир, маърифат йўли сидқу вафо, қалб кўзининг очилишидир.

Фаридиддин Аттор одамни (жисмни — Б. И.) кўзага, илоҳиётни (илмни — Б. И.) дарёга қиёслайди. Кўзани сувга ботирганда, то ичи сувга тўлгунча қулдираб овоз чиқаради, аммо ичига сув тўлгандан кейин у овоз чиқармай қўяди, дарёга қўшилиб кетади... Дарё ичида қалбинг ҳам дарёга айланади, қалб кўзи очилади...» (83-бет).

Шарқ фалсафасида комил инсон чумоли каби фақат ўз нафси учун, тирикчилик ташвишлари билан яшаб, барча одамийлик хислатларидан жудо бўлган кишиларга қарама-қарши қўйилади: улар ҳақида Фаридиддин Аттор «худди чумоли каби на раҳбарлари бор, на ўзлари йўлини кўра оладилар» деб, афсус чекади. XII-асрнинг биринчи ярмида ёзилган бу сўзлар ўз мазмуни билан худди айни замонда ер юзида юз бераётган тартибсизлик ва шафқатсизликларни англатаётгандай туюлади.

Нажмиддин Комилов «Илоҳийнома» талқинида ёзганидек, «ўзлигини танимаган киши қурт-қумурсқа, паррандаю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Инсон эса бу дунёнинг қудуғидан (нафс чоҳидан — Б. И.) қутилиши, оламни қучиши даркор».

Мукаммал инсон ва уни тарбиялаб вояга етказиш ҳақида Ғарб мутафаккирлари ҳам кўп ўйлаганлар. Улуғ ёзувчи Л. Н. Толстойнинг бу борадаги қарашлари юқорида қайд этилган фикрларга мос келади.

XX асрнинг таниқли файласуфи Ж. П. Сартр киши маърифат йўли билан инсон даражасига кўтарилишини таъкидлайди: «Ўзини қандай тарбияласа, шундай инсон бўлади... У эркин бўлишга маҳкум... ва эркиндир, нима иш қилса, барчасига ўзи жавоб беради».

Киши вояга етиш жараёнида қайси бир йўлни танлайди — яхшиликними, ёмонликни, саодат йўлиними ё разолат йўлини, маърифатними ё жаҳолатни? Бунинг сабаблари кўп. Аммо асосий сабаби, бизнинг ҳам назаримизда, инсонни ўраб турган ижтимоий муҳитдир. Боланинг келажакда қандай касбни танлаши, қандай одам бўлиши кўпроқ у ўсган оила қизиқишлари, у ўқиган мактаб имкониятлари, жамиятдаги эҳтиёж ва сиёсий-иқтисодий ҳолатларга боғлиқ эмасми? Тош устига сепилган уруғдан ҳосил кутиб бўладими?

«Толиб аввало бир муддат бизнинг дўстларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиши зарур, токи унда бизнинг суҳбатимизга нисбатан қобилият пайдо бўлсин», — дейди Баҳоуддин Нақшбанд. Устознинг қобилиятли толиб билан суҳбати маърифатнинг, яъни билиш, илм олишнинг энг муҳим воситасидир. Ана шу суҳбатлар, устоз тузган режалар асосида олиб борилган қироатлар, игна билан қудуқ қазигандек, оғир ўқув ва тарбия жараёни икки дунёга ҳам бутун, пок имони билан хизмат қиладиган баркамол инсонни яратишга қаратилган. Ал-Ҳаким Термизий мақбарасида у кишининг «бордию дунёга қайта келиш насиб этса, ҳозиргача қандай яшаган бўлсам, яна худди шундай умр кечирардим», деган сўзлари ёзилган экан. Умридан бу қадар рози бўлиб ўтиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун фоний дунёдаги ҳар бир дақиқани яхшиликка, савоб ишларга сарфлаш, қалб, руҳ камолотига хизмат қилдириш зарурдир.

Хуллас, тасаввуфда комилликнинг асосий мезони инсоннинг ҳалоллигида, юртига, ўз эътиқодига содиқлигида, меҳнатни яшашнинг асосий омили деб билишида кўринади. Булар ҳозирги давр кишиси учун ҳам энг зарур хислатдир, зеро замоннинг «яхши» ё «ёмонлиги», тузилиши ё бузилиши одамларнинг ўзлари учун ҳаёт йўлларини танлаб олишларига боғлиқдир.

**Бозор ИЛЁС ал-АМИН,**
**Термиз давлат университетининг доценти,**
**Майрам ТЎРАҚУЛОВА,**
**Термиз шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси.**

# МАЪРИФАТ ЧАҚМОҒИ

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛНИНГ ФАОЛ АЪЗОСИ

Атоқли ўзбек шоирининг шахсий ва ижтимоий фаолиятини баҳолу қудрат тадқиқ қилмоққа уриндик. Аммо бу улуғ зотнинг қатағонга учраш сирларини, шу асосдаги дунёқараш ва унинг ғоявий йўналишини ҳали айтмадик. Бунинг учун шоирнинг уммон янглиғ ижод оламига тула кириб бориш ва тўғри талқин қилиш зарурдир. Бу ишнинг уддасидан чиқиш учун эса шахсга сиғиниш ва қатағонликнинг мудҳиш онларида таъқиқланган ва маҳкамлаб ташланган ҳужжатасров далилларини бир-бир варақлашга тўғри келади.

Абдулҳамид Мажидий «Миллий истиқлол»нинг фаол аъзоси, «Қизил қалам» ёзувчилар жамоатчилик ташкилотининг етакчиларидан, янги тузум — Шўро даврининг хавфли танқидчиси, унинг устидан беаёв кулувчи, аксилинқилобчи, Алишер Навоий ҳаёти фаолиятининг илк тадқиқотчиларидан бири сифатида диний қарашлар ва эски тузумни тиклаш учун курашчилардан бири, унинг сатираларида ўтмишни ва диний қарашларни атайин ёлғондакам қоралаганг, аслида у шўроларга ашаддий душман» деб бадном этилган.

Бу айтилганларга «асос» қилиб унинг қаламига мансуб бўлган қуйидаги сатирик ва юмористик асарлар «холис хизматчи»лар томонидан нотўғри таҳлил этилган.

Шоирнинг «Нотавон қизил чойхоналар» сарлавҳали сатирик шеъри Шўро давридаги янгилик — қизил чойхоналарни атайин кўролмаслик оҳангида ёзилган асар сифатида талқин этилиб, унинг

**«Тарбият бермоқ учун чойхона бир корхонадир,**
**Лек ҳозирча бу гап бир қуп-қуруқ афсонадир.**
**Хоҳ Зарафшон, хоҳ Бухоро, ҳоҳким Фарғонадир,**
**Сони энг кўп, шубҳасиз, бизда қизил чойхоналар,**
**Ҳар қадамда кўзингизнинг олдида бир донадир»,**

Боши газетамизнинг 6 ва 7 сонларида.

деган бандларини мисол тариқасида келтирилади.

Ёки шоирнинг 1934 йили ёзган юмористик шеъри «Бир пой ботинка марсияси»ни таҳлил қилган буюртма танқидчи уни «Шўро томонидан очилган дўхтирхона ва амбулатураларни кўролмасдан, унинг омма орасидаги олиб бораётган ишларини менсимай, масхара қилади ва кулади», дея талқин қилади ва қуйидаги сатрларни келтиради:

**Жисмима мориз бўлуб бир тоб нигун бўлди қадим,**
**Ҳукмни тақдирга ташлаб, уйда ғингшиб ётмадим,**
**Бир шифо излаб давохона сари урдим одим,**
**Бўзчининг мокисидек соатда юз йўл қатнадим,**
**Охири бир пой ботинкам жуфтидан бўлди жудо.**
**Эртадан анкет учун турдим қаторга дум бўлиб,**
**Кечда дўхтурдан чиқиб, дорига бордим хум бўлиб,**
**Етмади, қайтдим уйимга дорудан маҳрум бўлиб,**
**Соғ ботинкам дард ному нишонсиз гум бўлиб,**
**Кетди бир пойи жаҳаннам, жуфтидан бўлди жудо.**

Янги тузумни кўролмаслик руҳида ёзилган асарлар сирасига «танқидчилар» унинг 1925 йилда ёзган «Ургандим», «Чиқди газетдан», 1926 йилда ёзган «Думли саволларга нордон жавоблар», 1927 йилда битилган «Тарихдан чопар», 1928 йилда битилган «Фол офтобаси», 1936 йилда ёзган «Муъжиза одам» сатира ва юморлари, қолаверса 1937 йилда чоп этилган «Узбекнома» одасини киритдилар.

Айниқса, олим Мажидий томонидан 1927 йилда ёзилиб, ўша йили «Ер юзи» журналининг 19-сонида эълон қилинган «Шарқ шоираси Зебуннисобегим» номли илмий бақувват мақоласи ғаразгўйлар томонидан ўтмишга қайтиш намунаси сифатида баҳоланди. Ваҳоланки, бу мақола Бобур Мирзонинг чевараси — Аврангзебнинг қизи Зебуннисонинг ҳаёти, фаолияти таҳлили ва шоиранинг асл Деҳлида олинган сурати изоҳотига ҳамда шоирани «бундан буён Шарқ шоираси деб аташ лозимлиги» исботига бағишланган тарихий ҳужжат эди.

Ана шундай «тақриз» ва «қарашлар» оқибатида улкан адибнинг ижодиёти элак-элак қилинди: унинг кўзига хас сочилди, йўқолишга маҳкум этди, нокаслар унинг жонига чанг солди. У 1938 йилнинг охирларида қамоққа олиниб, 1939 йилнинг 18 октябрида отиб ташланди. Унинг отув ҳукмидан олдинги дақиқаларда: «Раҳм қилинг, ёшман, бутун кучим билан Ленин-Сталин партиясига хизмат қиламан!..» деган илтижолари инобатга олинмади — уни 15 дақиқалик суд жараёни олий жазо — отувга ҳукм этди. Ўзбек халқи эса ўзининг буюк бир ўғлонидан жудо бўлганича қола берди.

Муаллифлардан бири шоир Мажидийнинг ҳаёти фаолиятига янги чизгилар топиш мақсадида Каттақўрғонга борган кезлари (1994 йил 15 август) унинг ҳамроҳи Каттақўрғонлик шоир ва таниқли маориф ташкилотчиси, 75 ёшли Малик Элмуродов шоир Абдулҳамид Мажидий туғилиб ўсган ва вояга етган хонадонга — қадимги Ҳайдарчаман маҳалласи, ҳозирги Алпомиш кўчаси, 8-ҳовлига бориб, бу ерда истиқомат қилаётган шоирнинг 1926 йилда таваллуд топган ягона фарзанди Холида Абдулҳамид қизи билан танишганида, Илонизи ва тор кўчалардан иборат бўлган бу ҳудудда жойлашган Алпомиш кўчаси ўта ғариб, ташландиқ сўқмоқларни эслатарди. Шоир туғилиб ўсган ушбу саҳни ярим сотих келмайдиган, бошқача қилиб айтганда, расмана иккита гилам ҳажмидаги тор ва кўримсиз хонадонда ҳозирги кунда инсон яшаши мумкин эмас. Чунки жами уч хонадан иборат, шифтларига бош тегиб қоладиган, гуваладан қад кўтарган бу жой 1895 йилда қурилган ғариб кулбадан иборат эди.

Тўғри, истиқлол туфайли шоир оқланди, асарлари чоп этилмоқда. унинг муътабар номи Каттақўрғон шаҳар фирқа қўмитасининг қарори билан шоирнинг яшаб ўтган ҳовлисига — аниқроғи, кўча деворига ёдгорлик тоши ўрнатиш ва ҳовлини таъмирлаш бўйича қарор чиқарилди. Ёдгорлик тоши ўша йили тайёр бўлди. Аммо тош ҳозир ҳам собиқ фирқа қўмитаси биносида чанг босиб ётибди. 1993 йили Холида опа бу муҳим ишга мутасадди Тўлқин Ҳошимов ҳузурига борганида «Отангизга театр номи берилди. Шу бўлади. Бундан ортиқ ҳурмат йўқ, опа!» — деган жавоб олди.

Энди замон ўзгарди, фирқанинг ягона раҳбарлиги йўқолиб, ҳокимликлар пайдо бўлди. Бу нарса мустақил мамлакатимизнинг озод фуқаролари кутган умидлар эди. Шу ўринда аччиқ бўлса-да бир бор ҳақиқатни айтиб ўтмоқчи эдик. Шу 1996 йил баҳорида шоирнинг таваллудига 95 йил тўлади. Шу муносабат билан А. Мажидийнинг асарларидан сайлаб, бир жилдликни «Чўлпон» нашриётига топширилган эди. Асарнинг чиқишига Каттақўрғон шаҳар ҳокимияти кўмак беришга ваъда қилди. Бироқ ҳали-ҳануз бу масала номаълум сабабларга кўра пайсалга солиб келинмоқда.

Ҳа, кўза синдирган азизу сув келтирган хору зор, бўлган ўша онлар кайфияти, юртбошимиз таъбири билан айтганда, айрим лоқайд кишилар хулқида ҳозир ҳам ҳукм сурмоқда. Ажаб эмас, янгича иш юритаётган шаҳар ҳокими бу нохушликларга барҳам бериб, ўзбекнинг хусусан, Каттақўрғоннинг буюк алломаси руҳини шод этса!

**Исломжон ТУРСУНОВ,**
**Ҳайдарали УЗОҚОВ.**

*Иккинчи истеъдод*

# «ҚЎШИҚ АЙТГИМ КЕЛАВЕРАДИ»

Бағдодлик Акбаралиевларни туманда ҳамма санъаткорлар оиласи деб атайди. Бу бежиз эмас, албатта. Оила бошлиғи Анваржон моҳир дорвоз. У карнай, сурнай ва ноғора каби миллий чолғу асбоблари чалишни ҳам қойилмақом қилиб ўринлатади. Киевда ўтказилган жаҳон фольклор ансамбллари фестивали лауреати. Ўғиллари Аброр, Аҳрол ва Сардор, мактабда ўқиш билан бирга ота изидан бориб, дор ўйинларида иштирок этмоқда. Хонадон бекаси — тумандаги 35-мактаб расм-чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиси Фазилатхон эса қўшиқ шайдоси.

Фазилатхон Акбаралиева билан тумандаги йиғинлардан бирида учрашдик.

Даврага қўшилганимизда у чирманда чалиб, қўшиқ айтарди. Шу қадар жўшиб, бутун вужуди билан берилиб куйлардики, бундай хислат фақат мутахассис санъаткорларгагина хос эди. Ундаги ижрочилик маҳорати, чексиз завқни кўриб, дастлаб шу соҳа эгасимикан, деган хаёлга ҳам бордим. Ҳамроҳим, туман ҳокимлиги маданият бўлимининг мудири Ғулом Убайдуллаев кўнглимдагини сезиб турган экан шекилли, «санъат бўйича ҳеч қандай маълумоти йўқ. Ҳатто бадиий ҳаваскорлик тўгарагига ҳам қатнамайди» деб қолди. Бу эса мени янада таажжублантирди. Туғма истъдод эгасига тан бердим. Ногаҳон раҳматли Шароф Рашидовнинг халқ истеъдодини сўнмас чашмага ўхшатиши ёдимга тушиб, бу иборанинг нақадар ўринли эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Фазилатхоннинг қўшиқчиликка бунчалик берилиши тарихи билан қизиқдим.

Маълум бўлишича, унинг санъатга меҳр қўйишига катта бувиси Ҳуринисо ая сабабчи экан. Онахон бўш вақт топди дегунча танбурини олиб, халқ қўшиқларини айтарди. Торнинг мунглиноласи қизалоқнинг дилини қитиқлаб, ўзига ром айларди. У кўпинча бувисининг қаршисига ўлтириб олиб, қўшиқнинг гоҳ майин, гоҳ ўйноқи оҳангига қулоқ тутар, сўзлар маъносига тўла тушуниб етмаса-да, бувужонининг ёқимли хониши унга ҳам таъсир этмай қолмасди.

Кичкинагина Фазилатхон саҳнада илк бор қўшиқ айтганида Бағдоддаги 25-мактабнинг 4-синфида ўқирди. Туман мактаб ўқувчиларининг «Санъат байрами»да «Онасан меҳрибонсан» қўшиғини моҳирона ижро этиб, ғолиб чиққани ҳали-ҳамон ёдида. Шунда бувиси пешонасидан ўпиб, қўшиқчиликда унга оқ йўл тилаганди. Мана орадан қарийб чорак аср ўтибди ҳамки қўшиқ унга ҳамиша ҳамроҳ. Бадиий ҳаваскорларнинг кўпгина кўрик-танловларида қатнашиб, доимо совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Туман халқ таълими бўлими бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар ўртасида санъат турлари бўйича ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловда икки марта биринчи ўринни эгаллади.

Эндиликда қариндош-уруғлар даврасида, мактаб, маҳалла, туманда нишонланаётган турли тадбир ва байрамлар Акбаралиевлар оила аъзолари, айниқса Фазилатхонсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. У қўшиқчиликда Ўзбекистон халқ артистлари Раҳима Мазоҳидова, Турсуной Мамедоваларни ўзига устоз деб билади. Чунки улар ижросидаги халқ қўшиқлари, лапар, термалардан доимо илҳомланиб туради. Ҳозир унинг «хазина»сида 60 дан зиёд қўшиқ бор. — Бироз бўш қолдим дегунча қўшиқ айтгим келаверади, — дейди ҳаваскор хонанда фахр билан.

**Бахтиёр МАНСУРОВ,**
**Фарғона вилояти.**

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловига

# ОЗОД ЮРТНИ КУЙЛАЙМИЗ

## ҲУМО ҚУШИМ

**Пўлат МЎМИН шеъри,**
**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА мусиқаси.**




1
Бошга қундинг,
Парвоз айлаб.
Юрту халқим
Эъзоз айлаб.

**НАҚОРАТ:**

Само қушим,
Зиё қушим,
Аъло қушим,
Хумо қушим.

2
Истиқлолдан нишонасан,
Нишонасан,
Ярқираган
Пешонамсан.
**НАҚОРАТ**
3
Бошлаб бердинг
Янги даврон,
Яшнар она —
Узбекистон.
**НАҚОРАТ.**

## ЎЗБЕГИМДАН АЙЛАНАЙ

**Ҳабиб РАҲМАТ шеъри,**
**Надим НОРХЎЖАЕВ мусиқаси.**



1. Узбекистон она юрт,
Дунёда дурдона юрт.
Халқи танти, меҳнаткаш,
Дўстликда ягона юрт.

Ҳаммани тенг сийлайди,
Тинчлик, омад тилайди.
Уйлагани яхшилик,
Кундан кунга гуллайди.

2. Қалбидек пок осмони,
Бутдур иймон, виждони.
Феъли кенгдир шу сабаб,
Тўкиндир дастурхони.

Узбегимдан айланай,
Ўзлигимдан ўргулай.
Мен ҳам шу юрт фарзанди,
Хизматига шайланай.

### ЯНГИ ШЕЪРЛАР, ЯНГИ МУСИҚАЛАР

Хоразм вилоятида «Узбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш бўйича вилоят ва туманлардаги ташкилий қўмиталар шу кунга қадар уч марта йиғилиш ўтказиб, бу ишга мутасаддиларнинг ахборотларини тинглашди ва уларга йўл-йўриқлар кўрсатилиб, тегишли вазифалар берилди. Ҳозирда вилоятда кўрик-танловга қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда. Жамоа хўжаликларининг ҳаваскорлик дасталари, мактаб ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчилари бу танловда фаол қатнашмоқда. Тажрибали санъат арбоблари уларга ёрдам бериш учун сафарбар қилинган. Жойларда бўлаётган тайёргарликни вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Йўлдош Юсупов, Урганч шаҳар мусиқа билим юрти раҳбари, композитор Қадамбой Мусаев назорат қилмоқдалар. Вилоятнинг матбуот ва телевидение, радио сингари оммавий ахборот воситаларида кўрик-танлов моҳияти ҳақида суҳбатлар, мақолалар, қўшиқлар, ахборотлар мунтазам эълон қилинмоқда. Янги қўшиқларга бастакорлардан Қадамбой Раҳимов, Қадамбой Мусаев, Ислом Оллаберганов, Шермат Файзуллаевлар янги куйлар басталамоқдалар. Танлов ғолибларига вилоят ҳокимияти томонидан 52 минг сўм соврин белгиланган.

**Гулнора ҚУРБОНОВА,**
**маданият ишлари вазирлиги**
**ахборот бўлими ходими.**



*Берилиб қўшиқ айтаётган бу болалар Шаҳрисабз шаҳар Мирзо Улуғбек номидаги мактабнинг фольклор дастаси аъзолари. Улар кўҳна юртимизда азал-азалдан элимиз томонидан айтилиб келинаётган лапарлар, достонлар, термаларни ўзгача бир ғурур, фахр билан ижро этишади.*

## ПИЁДА АСКАРЛАР ҚЎШИҒИ

**Қамбар ОТА шеъри,**
**Аваз МАНСУРОВ мусиқаси.**



**Биз пиёда аскармиз,**
**Ҳеч бузилмас сафлармиз.**
**Биз йўл олган лаҳзада**
**Ер келади ларзага.**

**Тра-та-та, тра-та-та.**
**Тра-та-та, тра-та-та.**

**Машқ қиламиз пиёда**
**Ўрда, қирда, қиёда.**
**Тинчлик учун дунёда**
**Хизматимиз зиёда.**

**Тра-та-та, тра-та-та.**
**Тра-та-та, тра-та-та.**

## ВАТАНИМ ЗАВҚИ

**Пўлат МЎМИН шеъри,**
**Надим НОРХЎЖАЕВ мусиқаси.**



**1. Осилиб шамоллар бўйнига**
**Учаман далалар қўйнига.**
**Ўзимни сезаман қушдайин,**
**Осуда кезаман тушдайин.**
**Бағрида юрганим Ватаним,**
**Завқини сурганим Ватаним.**

**2. Ром этар гулларда жилвалар,**
**Энг майин куй чалар жилғалар.**
**Хаёлим жиловин қўяман,**
**Юртимнинг меҳрига тўяман.**
**Росаям серқуёш Ватаним,**
**Мен учун беқиёс Ватаним.**

**3. Тўймайин боқаман атрофга,**
**Елкамни тутаман офтобга.**
**Ҳар ёнда меҳнатим меваси,**
**Ўзимман бу ўлка эгаси.**
**Аслида шарқона Ватаним,**
**Дунёда ягона Ватаним.**

---

НАҲОВАНД — қадимги ва машҳур шаҳар. «Ажоибул-булдон»нинг муаллифи шу шаҳарда туғилган. Алайҳиссаломнинг асл исми Нўҳованд бўлиб, бора-бора Наҳованд бўлиб қолган. Айтишларича, Наҳованда бир тоғ бўлиб, унда катта тош мавжуд. Кимнинг бирон кишиси йўқолган, касаллиги оқибати маълум бўлмаса, шу тошга яқин борса ва кечани ўша тош олдида ухлаб тонг орттирса, тушида мақсади натижаларини кўради, бирон марта бу тартиб бузилмаган (яъни туш нотўғри чиқмаган).

ҲАМАДОН — азим, шукуҳли иморатларга бой шаҳар. Жуда хушҳаво ва маъқул суви бор. «Ажоибул-булдон»да ёзишича, Ҳамадон ҳавоси қадимда жуда совуқ бўлиб, бир найза қалинлигида қор ёғиб турган экан. Сулаймон Алайҳиссалом Сахранжийга қараб деди: «Шундай тилсимли асбоб ясагинки, бу диёрда ёғин шиддати ва кўплигини камайтирсин». Ва ул саҳрои киши тошдан шер мужассамасини ясаб тилсим айлади ва Ҳамадондан совуқлик ва қор ҳайдалди. Айрим фозилларнинг айтишларича, бу тилсим ҳаким Баланусга тааллуқлидир (Вааллоҳи-олам ва сиҳата).

ШАҲРИЗЎР — Ҳамадонга яқин бўлган шаҳар. Унда узум токлари мавжудки, бир йили узум ҳосил беради, бошқа йили катталикда ёнғоққа ўхшаш қизил ранг мева беради. Яна бу шаҳарда кўз оғриғи ва терида ҳубоблар чиқиш (чечак, тошқи) касалликлари йўқлиги билан машҳур.

НАЙНАВИ — Дажлаи Бағдод, шарқий томони Мувассалга яқинроқ жойда. «Туҳфатул-ғароиб» муаллифининг ёзишича, Найнавида бутун асбоб-ускуналари, биноси тошдан бўлган тегирмон мавжуд. Унинг эгаси тегирмонини тўхташини истаса, «истоба ҳаққи Бунас» (Бунас ҳаққи тўхта) деса тўхтайди ва барча юмушларини бажариб «аз муҳими худ фориғ гаштам» (ўз ишларимни бажариб бўлдим) деса, яна ҳаракатта келган.

САМАРҚАНД— Мовароуннаҳр мулки шаҳарларидан. Шаҳарнинг ярмида оқар сувлар, мевали боғлар мавжуд. Бу шаҳар Амир Темури Кўрагон замонида энг маъмур ва фаровон даврига етган эди. Чунки бутун ер юзидаги энг мақбул иморатлар ва мумтоз жамоа шу ерда эди. Китобларда маълумот берилишича, қадимул-айёмда Самарқандда доира узунлиги 50 минг қадамли қалъа девори бўлган. Мазкур қалъанинг деворлари бузилган даврда Гаршасп у ерга етиб келди ва шу аснода зилзила бўлиб, қалъадан қолган деворнинг бир қисми қулаб, унинг орасидан ҳисобсиз зар (бойлик) чиққан. Гаршасп ўша бойлик ҳисобидан қалъа деворларини қайта тиклашга киришди. Гуштосиб бинни Лаҳурасб ҳам ўз салтанати даврида мазкур қалъани тиклашда анча ҳисса қўшди. Искандар ҳам истилоси даврида қалъани эгаллаб олди. Яманлик Самар исмли киши Мовароуннаҳрни истило этди ва Самарқандни харобага айлантирди ва шаҳар халқи у вайронага айланган жойларини «Самар канд» («Самар бузди») деб атадилар. Кейинроқ, араблар бу шаҳарни Самарқанд деб атай бошладилар. (Валлоҳу аъялам ба ҳақиқатул-ҳол).

РУМ — жуда ривожланган, ҳар томонлама обод, неъматга фаровон юрт. Унинг атрофларида олтин ва кумуш конлари кўп. Бир китобда ёзилишича, Румда очиқ,атрофи девор билан ўралган жой бўлиб, бор жонзотнинг сурати шу деворга чизилганки, ҳар соатда ҳаракатта тушади. «Масосилкул-молик» асарида ёзилишича, Румда қулфлоғлиқ бир хона бўлиб, Рум ҳокимларидан ҳеч ким хона қулфини очмас, аниқроғи очишга ботинолмас, аксинча қўшимча қулф уриб қўяр экан. Бора-бора у қулфларнинг сони 24 тага етган. Ҳокимият қилиш навбати Рум давлатининг охирги ҳокимига етиши билан, у дўқ-пўписа қилиб қулфларни ечишга амр этди ва уй ичидан хабардор бўлиши шартлигини билдирди. Мамлакат уламо ва фозиллари қанчалик уни бу мақсадидан қайтишини исташмасин, барибир у ўз сўзида туриб олган. Эшикни очишди, мазкур эшикни очиши билан унинг кўзи бир неча тимсол — киши гавдаларига тушди — уларнинг айримлари туя минган, айримлари отда, алқисса Румни истило қилишга келган араб мусулмонларининг ўзгинаси эдилар, улар Румни фатҳ этган эдилар.

КАМОХ — Рум шаҳри ҳудудида жойлашган қўрғон. Бир текис тош устида жуда мустаҳкам ва чиройли қилиб қурилган. У ерда содир бўладиган қизиқ воқеадан бири шуки, ҳар йили баҳор фасли тугашининг уч кунида жуда кўп чумчуқларга ўхшаган қушлар учиб келиб ерга тўкиладилар. У ерлик одамлар уларни териб, тозалаб идишларда тузлаб қўядилар. Қушлардан қулаб ерга тушмаганларининг қанотлари ўсиб, яна учиб кетадилар.

ҚАЙСАРИЯ — Тоғ ёнбағрида Рум вилояти ҳудудидаги шаҳар. Султон Аловуддин Қайқубоди Салжуқий унинг қалъаларини тошдан тарашлаб қурдирган. «Ажоибул-булдон»да ёзишича, ҳаким Балинос Қайсарияда ҳаммом қурдирган, унда чироқ ёқилиши билан ҳаммомнинг суви исиган.

**Хондамир**

# Ҳабибус-сияр

ЮНОН — Румга таалуқли вилоят. Бу жой жуда кўп саркарда ва олимларнинг туғилган ватанидир. «Ажоибул-булдон»да ёзилишича, Юнонда бўлган киши бир нарсани эсласа (ўқиса) ҳеч вақт эсидан чиқмайди. Хаёлидан кўтарилган бўлиб, эслай олмай юрган бўлса, у ерда бўлгач, хотирига келади.

АРМЕНИЯ — Озарбайжон ва Рум оралиғидаги туман. Бу ер ўзининг ғаройиб ва қизиқарли воқеалари билан бой. «Ажоибул-булдон» ва «Туҳфатул-ғароиб»да ёзилишича, Арменияда оташкада бўлиб, унинг сатҳи соруж (цементсимон) билан фаршланиб, тожлари мисдан ишланган. Тарновлари тагида ҳовуз бўлиб, махсус рахом тоши билан безатилиб, қурилган. Оташкадада ходимлар бўлиб, ҳар қурғоқчилик бўлган йилда олов ёқадилар ва уй саҳнини ифлос (нажас) сув билан шу даражада тўлдирадиларки, сув новадан ҳовузга тўкилади. Кейин у сувни ҳовуздан олиб оташкада атрофига сепадилар. Бу иш ҳавода булут пайдо бўлиб, ёмғир ёққунга қадар давом этади. Натижада ёмғир суви оташкада саҳнидаги ифлос сувни ювиб, покиза етгунга қадар, тоза сув билан ҳаммаёқ лиммо-лим бўлгунча бу ҳол давом этади.

**Форсчадан**
**Ҳ. Кудратуллаев**
**таржимаси.**

**Боши газетанинг 3 ва 5-сонларида.**

**Давоми бор.**

*Спорт*

## РАҲБАР БОШ ҚЎШГАН ЖОЙДА...

Ўтган ҳафта Жиззах вилояти Пахтакор шаҳридаги 31-мактаб-интернатнинг спорт залида вилоят дзюдо федерациясининг 1-масъул котиби, спорт фахрийси Михаил Микеевич Сафаров хотирасига бағишланган 1981-84 йилларда туғилган ёшлар ўртасида 1 республика турнири ўтказилди. Мактаб директори О. Б. Хван, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва дзюдо федерациясининг ташаббуси ҳамда ҳоким муовини Нусратилла Пардаевнинг қўллаб-қувватлаши билан уюштирилган ушбу мусобақада Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Туркманистон республикаси жамоалари қатнашдилар.

26, 29, 32, 35, 38 кг вазн тоифасидаги спортчиларнинг қизиқарли ўтган беллашувларида умумий ҳисобда мезбонлар биринчи, Бухоро вилояти Олот тумани БЎСМ жамоаси иккинчи, Пахтакор тумани БЎСМ тарбиячилари эса учинчи ўринни эгалладилар. Айниқса, турнир ғолиби 37-мактаб-интернатнинг ёш дзюдочилари ўз рақибларини дастлабки 2-3-сониялардаёқ мағлуб этишиб, мусобақага қизғин тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди, ҳамда томошабин ва мутахассисларни ҳайратда қолдирди. Турнир ниҳоясида туман ҳокими Ўктам Олимов ва ҳомий Хурсанд Тоймуродов ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширишди.

Шу ўринда яна бир гап. Гулмурод Сиддиқов раислик қилаётган дзюдо федерацияси кейинги пайтларда нафақат туман, балки вилоят, қолаверса, республика шарафини ҳимоя қила оладиган ёш дзюдочиларни тарбиялаб етиштирмоқда.

Улардан Татьяна Ким ва Гулзода Эгамқулова кетма-кет икки йил — 1993 йил Бухорода, 1994 йил Самрқандда ўтказилган мактаб ўқувчиларининг республика спартакиадаларида қизлар ўртасида дзюдо бўйича ўз вазнларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган эдилар.

Туманимиз ёшларининг спортда, айниқса, дзюдо курашида эришаётган бу каби ютуқларида туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг ташаббусимизни қўллаб-қувватлаётганликлари ва ажратаётган маблағларининг аҳамияти катта бўлаётир, — дейди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Бахтиёр Нурматов.

Раҳбар чин дилдан бош қўшган жойда иш унумли, ютуқлар эса бисёр бўлади, деб шуни айтишади-да...

**Улуғбек ОДИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

*Бири кам дунё*

## ҚЎҒИРЧОҚ ВА УНИВЕРСИТЕТ

Аргентиналик саккиз ёшли Росита Мендос исмли қизча Буэнос-Айрес университети математика факультетининг 2-курсида таҳсил оляпти, деб ёзади мазкур мамлакатнинг «Кроника» газетаси. У икки ярим ёшида ўқишни ўрганган, уч ёшида эса Жорж Санднинг «Консуэла» романини ўқиб тугатган. Етти ёшида маҳаллий коллежни битирган. Айни кунда Роситанинг ўқиши нафақат математикадан аъло, балки инглиз тилида эркин гаплаша олар, шунингдек, француз ва япон тилини ҳам ўрганаётган экан.»

Дарвоқе, университет домлаларининг маърузаларидан сўнг қизалоқ уйига қайтгач, қувонч билан қўғирчоқ ўйнаркан... Ахир у бола-да.

## ПОРАХЎРЛИК

Марказий Осиё, хусусан, Туркистонда пора олиш, айниқса, чор Россиясининг босқинидан сўнг авж олганлиги тарихдан маълум. Бу бежиз эмасга ўхшайди. «Труд» газетасининг ёзишича, Москванинг ўзида ўтган йили 300 нафар порахўр, мамлакат миқёсида эса 4883 порахўрлик рўйхатга олинган. Россия ИИВнинг хабарига кўра, 3405 давлат хизматчилари устидан жиноий иш очилган ва уларнинг ярмигина судга етиб борган. Бу порахўрларнинг устамон бўлиб бораётганлигидан далолат беради, деб ёзади газета.

## ЎҒРИ ИНСОФЛИ ЧИҚДИ

Майамидаги бир хонадон ошхонасидаги кумуш қошиқларни халтасига жойлаётган ўғрини уйнинг ёши ўтган соҳибаси кўриб қолди ва юрагини чангаллаб ҳушсиз ерга йиқилди. Ўғри эса «тез ёрдам»ни чақириб, беҳуш ётган хотинни авайлаб ётқизиб қўйди. «Тез ёрдам» келганда эса ўғри хонани тарк этган, қимматбаҳо жиҳозлар солинган қоп эса аёлнинг ёнида турар эди. Ўғри ҳатто хат ҳам қолдириб, «Сизга мустаҳкам соғлиқ тилайман. Майкл», деб имзо ҳам чекибди.

## БИЗНИ ХУДО АСРАСИН!

Данияда 9-синфдаги болалар ўртасида спиртли ичимлик ичиш масаласида сўров ўтказилди. 2545 нафар сўралган ўқувчининг олтидан бири «ичувчи» бўлиб чиқди. Энг ёмони улар ҳафтанинг олти кунида, яъни ҳафтада 21 порция спиртли ичимлик истеъмол қилишаркан.

Алалхусус, маълум бир мамлакатнинг тажрибаларидан фойдаланишда ижодий ёндошиш лозимлиги ҳақида бекорга гапирилмайди-да.

Бундай ҳолатлардан худонинг ўзи асрасин!

**Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши жамоаси кенгаш собиқ услубчиси

Неъмат НУРМУҲАММЕДОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Икром Бўрибоев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456